БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 92

18 ИЮНЬ ЖУМА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига СССР касаба союзлари XI с'ездининг табриги (1-нчи бет).

Ҳозирги кунларнинг ҳарбир минутидан унумли фойдаланиб, ғўза парваришини сифатли ўтказайлик! (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. **А. Набиев.** — Икки инструкторнинг икки хил иши (2-нчи бет).

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси (2-нчи бет).

П. Александров. — Ижодий марксизмнинг машҳур асари (2 ва 3-нчи бетлар).

Прага шаҳар меҳнаткашларининг митингида 1954 йил 15 июньда ўртоқ **Н. С. Хрушчев** нутқи (3-нчи бет).

В. М. Молотовнинг Жанва кенгашида 1954 йил 15 июньда Корея масаласи юзасидан қилган баёноти (3 ва 4-нчи бетлар).

Хитой Халқ Республикаси Марказий халқ ҳукумати кенгашида (4-нчи бет).

Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг Проекти (4-нчи бет).

Чехословакия Коммунистик партиясининг X с'ездидан КПСС Марказий Комитетига телеграмма (4-нчи бет).

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши (4-нчи бет).

СССР Молия министрлигининг ахбороти

16 миллиард сўм миқдорида чиқарилган СССР халқ хўжалигини ривожлантириш (1954 йилги) Давлат заёми 14 июнь куни кечгача 17 миллиард 492 миллион 031 минг сўм миқдорида тарқалган.

СССР Министрлар Советининг кўрсатмасига асосланиб, СССР Молия министрлиги 1954 йил 16 июньдан бошлаб заёмга ёзилишни ҳамма жойда тўхтатиш тўғрисида фармойиш берди.

СССР Молия министри А. ЗВЕРЕВ.

1954 йил 15 июнь.

Касаба союз ташкилотларининг жанговар вазифалари

Яқинда СССР касаба союзларининг XI с'езди ўз ишини тамомлади. С'езд ВЦСПС нинг ҳисобот докладини муҳокама қилди ва унинг иши тўғрисидаги ҳисобот доклади юзасидан тегишли қарор қабул қилди. СССР касаба союзларининг раҳбар органларини — Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советини ва Марказий Ревизия комиссиясини сайлади.

СССР касаба союзларининг XI с'езди совет касаба союзлари ҳаракати тарихида бурилиш даври бўлди. С'езд касаба союзларининг омма ўртасида олиб бораётган ташкилотчилик ва тарбиявий ишлари тажрибасини умумлаштирди, танқид ва ўз-ўзини танқид асосида уларнинг фаолиятидаги жиддий камчиликларни очиб ташлади. С'езд делегатлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табригини касаба союзларининг якин давр учун жанговар иш программаси сифатида қабул қилдилар ва касаба союз ташкилотларининг ишчанлик қобилиятини, давлат, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги ролини оширишга қаратилган амалий тадбирлар белгиладилар. СССР касаба союзлари XI с'ездининг қарорини тўла-тўкис бажариш — барча маҳаллий касаба союз ташкилотларининг энг муҳим ва жанговар вазифасидир.

Ўз сафларида 40 миллиондан ортиқ а'зони бирлаштирган совет касаба союзлари партиямизнинг раҳбарлиги остида мамлакатимизда коммунизм қурилиши соҳасида олиб борилаётган буюк ижодий ва ташкилий ишларда актив қатнашмоқдалар, социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида Коммунистик партиянинг давлатимиз куч-қудратини оширишга, мамлакат экономикасини, халқ маданияти ва фаровонлигини тинмай юксалтиришга қаратилган сиёсатини амалга ошириб келмоқдалар. Совет касаба союзлари кенг меҳнаткашлар оммасини Ватанга муҳаббат руҳида, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида, ташиш совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаб, уларнинг ижодий кучларини социалистик саноатни янада ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигини ҳамда халқ истеъмол қиладиган моллар ишлабчиқаришни кескин суратда юксалтиришга сафарбар этмоқдалар. Шунинг учун ҳам совет касаба союзлари омма ўртасида ғоят катта обрўга эга. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар касаба союзларини ўзларининг тобора ўсиб бораётган моддий ва маданий ихтиёжлари талабларини қондириш ҳақида ғамхўрлик қилучи жонажон ташкилотлари деб биладилар. Тошкент тўқимачилик комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиксельмаш» заводи касаба союз ташкилотлари ана шундай ташкилотлар жумласидандир.

Шу билан бирга ўз вазифасини қониқарсиз бажараётган, ишчилар оммасидан ажралиб қолган, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олмай ишлаётган ба'зибир касаба союз ташкилотлари борлигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Биноқорлик материаллари саноати ишчилари, коммунал уй-жой қурилиши ходимлари, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш органлари ишчи, хизматчилари касаба союзларининг республика комитетлари ҳали ҳам қониқарсиз ишлямоқдалар. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари социалистик мусобақани уюштириш ва унга раҳбарлик қилишда формализм ва тўрачиликка йўл қўймоқдалар, ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга э'тиборсизлик блан қарамоқдалар, ташкилий, оммавий ишларни ясҳи йўлга қўйиш ва ишчиларнинг маданий-маиший шароитини яхшилаш тўғрисида старли ғамхўрлик қилмаётирлар. Биноқорлик материаллари саноати корхоналарида айрим ишчилар, сменаларга ва цехларнинг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги корхона коллективининг умумий йиғилишида муҳокама қилинмайди, корхона касаба союз ташкилотлари эса мусобақа шартномаларининг бажарилишини назорат қилиб турмайдилар.

Партия ва ҳукуматимиз совет касаба союзлари зиммасига ғоят катта ва мас'улиятли вазифалар юклаган. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР касаба союзларининг XI с'ездига юборган табригида совет касаба союзларини саноатда, транспортда, машина-трактор станцияларида, совхозларда социалистик мусобақани тобора авж олдириб, меҳнаткашларнинг ташаббусларини ва ғайратларини ишлабчиқариш планларини тўла ва ошириб бажариш ҳамда социалистик экономика резервларидан энг кўп фойдаланиш учун курашга қаратишга чақирдилар. Бу чақириқни амал қилиб, ўз ишларини тубдан яхшилаш — барча касаба союз ташкилотларининг муқаддас вазифасидир. Улар меҳнат унумини ошириш ва техникадан яхшироқ фойдаланиш учун, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш учун кучайиб бораётган умумхалқ ҳаракатига бошчилик қилишлари, ишлабчиқариш илғорлари ва рационализаторларнинг тажрибаларини қўллаб-қувватлашлари ва оммалаштиришлари керак. Қолоқ корхоналарнинг илгор корхоналар даражасига етиб олишлари учун ёрдам беришлари, меҳнат интизомини тинмай мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим.

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан қўйилган буюк вазифалар муносабати блан совет касаба союзларининг роли яна ортди. МТС, совхоз, касаба союз ташкилотлари ўз ишларини ана шу вазифалар даражасига мослаб қайта қуришлари, омманинг жанговар ташкилотчилари сифатидаги юксак ва мас'улиятли рольларини шараф блан бажаришлари керак. Саноат корхоналаридаги касаба союз ташкилотлари, машина-трактор станцияларига, совхозларга ва колхозларга оталик ёрдами кўрсатиш ишида активроқ қатнашишлари, қишлоқ хўжалиги заказларининг саноатда бажарилиши устидан кучли жамоат контролини кучайтиришлари лозим.

Коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари олдида оммани коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш, меҳнаткашларнинг сиёсий ва маданий савиясини янада ошириш соҳасида мас'улиятли вазифалар турипти. Барча касаба союз ташкилотларининг ишчанлик қобилиятини, союз а'золарининг активлигини ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш, касаба союз демократиясини ривожлантириш, омма блан алоқани мустаҳкамлаш, раҳбарликнинг канцелярия-бюрократик методларига қат'ий хотима бериш бу муҳим вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдам беради.

Совет кишиларининг моддий ва маданий фаровонлигини ошириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилиш — касаба союзларнинг шарафли бурчидир. Совет касаба союзлари ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашда, уй-жой, мактаб, клуб, касалхона, санаториялар, дам олиш уйлари қуриш, давлат планларининг сўзсиз бажарилишини та'минлашда, шунингдек савдо корхоналари, умумий овқатланиш ва коммунал-маиший муассасаларининг ишларини янада яхшилашда, меҳнаткашларнинг ёзги дам олишларини намунали уюштиришда кўпроқ сабот ва ташаббус кўрсатишлари керак.

Совет касаба союзлари жаҳон касабачилик ҳаракатининг олдинги сафида, бутун дун'ёда демократия ва тинчлик учун курашчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар, халқаро ишчилар ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш учун, уруш оловини ёқучиларга қарши демократиянинг барча кучларини жипслаштириш учун курашмоқдалар.

Совет касаба союзлари Коммунистич партия раҳбарлигида XI с'езд томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни шараф блан бажарадилар, миллион-миллион ишчиларни ва хизматчиларни улуғ партиямиз тевараги янада маҳкамроқ жипслаштирадилар, мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашда бундан буён ҳам Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчилари бўлиб қоладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига СССР Министрлар Советига

СССР касаба союзларининг XI с'езди Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига касаба союзларининг қирқ миллион а'зоси номидан қизғин, самимий салом йўллайди.

С'езд делегатлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табригини ғоят катта қувонч ҳислари блан ва касаба союзлари олдида турган вазифаларнинг бажарилиши учун юксак мас'улиятни англаганлари ҳолда кутиб олдилар. Бу табрикда касаба союзлари фаолиятининг, давлат, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида уларнинг ролини оширишнинг жанговар программаси белгилаб берилган.

Ўз сафларида Совет Иттифоқининг қаҳрамон ишчилар синфини ва халқ интеллигенциясини бирлаштирувчи касаба союзлари Коммунистик партияни улуғ социалистик Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун, мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашда ўзларининг доно раҳбари, илҳомчиси ва ташкилотчиси деб биладилар.

СССР касаба союзларининг XI с'езди касаба союзларининг омма ўртасида олиб бораётган ташкилотчилик ва тарбиявий ишлари тажрибасини умумлаштирди, танқид ва ўз-ўзини танқид асосида уларнинг фаолиятидаги жиддий камчиликларни очиб ташлади. С'езд касаба союз ташкилотларининг ўз олдиларида турган вазифаларни бажаришдаги жанговарлик қобилиятини оширишга қаратилган амалий тадбирларни белгилади.

Касаба союз ташкилотлари ишлабчиқариш планларининг ҳарбир корхона томонидан тўла ва ошириб бажарилиши учун социалистик мусобақани янада зўр ғайрат блан кучайтирадилар, ишлабчиқариш новаторларининг тажрибасини ёйдилар, меҳнат унумини ошириш учун халқ ҳаракатига бошчилик қиладилар, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтиришда янада активроқ иштирок этадилар. Касаба союзлари ишчи ва хизматчиларнинг моддий ва маданий талабларини қондириш тўғрисида ғамхўрликни кучайтирадилар, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда партияга кўпроқ ёрдам берадилар.

Касаба союзлари бу вазифаларни муваффақият блан ҳал этиш учун ўзининг барча ташкилотлари ишларини тубдан яхшиланишига эришадилар, касаба союз демократиясини ривожлантирадилар, омма блан алоқаларни мустаҳкамлайдилар, раҳбарликнинг канцелярия-бюрократик методларига қат'иян хотима берадилар.

СССР касаба союзларининг XI с'езди Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини ва СССР Министрлар Советини ишонтириб айтадики, касаба союзлари коммунистик жамият қуриш учун курашда омманинг жанговар ташкилотчилари сифатидаги юксак ва мас'улиятли рольларини бажарадилар.

Совет касаба союзлари пролетар интернационализмининг олижаноб идеяларига амал қилиб, четэллардаги меҳнаткашлар блан қўлни-қўлга бериб бундан буён ҳам тинчлик, демократия ва социализм улуғ ишини қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар, халқаро ишчилар бирдамлигини мустаҳкамлаш учун курашадилар.

Совет касаба союзлари Коммунистик партиянинг совет жамияти ҳаётий негизини ташкил этган сиёсатини ҳамиша садоқат ва активлик блан амалга ошириб келдилар ва бундан кейин ҳам шундай амалга оширадилар.

Яшасин совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги илҳомлантирувчи ва раҳбарлик қилучи улуғ кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

Яшасин қудратли социалистик Ватанимиз!

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИ XI С'ЕЗДИ.

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XI С'ЕЗДИ ЁПИЛДИ

15 июньда СССР касаба союзлари XI с'ездининг сўнгги мажлиси бўлди. С'езд ВЦСПСнинг иши тўғрисидаги ҳисобот доклади юзасидан бир овоздан қарор қабул қилди, шунингдек СССР касаба союзларининг Уставини тасдиқлади.

Сўнгра с'езд касаба союзларининг раҳбар органларини сайлади. Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети 174 а'зо ва 55 кандидатдан иборат составда, Ревизия комиссияси 17 кишидан иборат составда сайланди.

Раислик қилучи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига табрик юбориш ҳақида таклиф тушганлигини хабар қилади. Делегатлар бу таклифни гулдурос, давомли қарсаклар блан кутиб оладилар. Ўртоқ **А. И. Шевченко** табрик текстини ўқиб эшитдиради.

Делегатлар табрик текстини бир овоздан ма'қуллайдилар. Залда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати шарафига, қудратли социалистик Ватан шарафига овация бошланади.

ВЦСПС раиси **Н. М. Шверник** мажлисни ёпатуриб айтдики, касаба союзларининг XI с'езди совет касаба союзлари ҳаракати тарихида бурилиш даври бўлди. Партия Марказий Комитети ва Министрлар Советининг табриги — касаба союзларининг яқин давр учун жанговар иш программасидир. Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида касаба союзлари ишчиларни ва бутун совет интеллигенциясини янада маҳкамроқ жипслаштирадилар, уларни коммунизм ғалабаси йўлида меҳнат соҳасида янгидан-янги зафарларга сафарбар қиладилар. (ТАСС).

Ҳозирги кунларнинг ҳарбир минутидан унумли фойдаланиб, ғўза парваришини сифатли ўтказайлик!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети ғўза қатор ораларини ишлашда трактор паркидан фойдаланиш юзасидан областьлар, МТС ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақани 1954 йил 10 июньгача бўлган якунларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини ғўза қатор ораларини узунасига культивация қилиш, ғўзани чуқур эгатлар орқали суғориш ва кўндалангига культивация қилиш юзасидан 1954 йил 10 июньгача энг яхши кўрсаткичларга эришган МТСларга беришга **қарор қилдилар:**

Шу жумладан кўчма Қизил байроқ **Тошкент области** бўйича:

Оққўрғон районидаги **1-нчи МТС** га (директори ўртоқ **Рогачев,** бош инженери ўртоқ **Васильковский,** бош агрономи ўртоқ **Мухторов**), бу МТС узунасига культивация қилиш планини 56,5 процент, чуқур эгат орқали суғориш планини 36,2 процент ва кўндалангига культивация қилиш планини 32 процент бажарган, кейинги ўн кунликда ҳарбир агрегат блан кунда 9,5 гектардан ер ишлаган. Кўчма Қизил байроқ Ўртасарой районидаги 1-нчи МТС дан олиб берилсин.

Илғор бригадаларнинг муваффақияти

Чиноз районининг илғор колхозлари ғўза қатор ораларининг комплекс парваришини тобора кучайтириб, ғўзанинг яхши ривожланиши ва унинг эрта ҳосилга кириши учун замин яратмоқдалар. Райондаги Каганович номли, Ленин номли, «Қизил октябрь» колхозларининг а'золари механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб, ғўза парваришидаги барча ишларни бир-бирига боғлаб олиб бормоқдалар. Бунинг натижасида бу колхозларнинг далаларида ғўза барқ уриб ўсаётир. Каганович номли ва «Қизил октябрь», Ленин номли колхозларнинг айрим далаларида ғўза гулга кирди. Илғор бригадаларнинг а'золари июнь ойининг иккинчи ярмида барча майдонлардаги ғўзани яна бир марта комплекс парваришдан чиқариш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Бу бригадаларнинг а'золари айниқса ғўзани озиқлантириш ва суғоришга катта э'тибор бермоқдалар.

Ю. РУСТАМОВ.

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Рўйхатда бор, амалда йўқ звенолар

Район партия комитетининг 2-нчи Ўртасарой МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ Са'дуллаев Свердлов номли колхозда ғўза парваришининг уюшқоқлик блан бораётганлигини, бу ерда бригада, звено принципи пухта ўрнатилганлигини сўзлаб берди. Секретарь МТС ёнгинасида бўлган ўртоқ Б. Холхўжаев бошлиқ 13-нчи бригаданинг илғорлигини алоҳида та'кидлади. Биз ўртоқ Са'дуллаев мақтаган ва тавсия қилган 13-нчи бригада дала шийпонида бўлдик. Лекин бу шийпон талабга жавоб бераолмайди. Унинг ёнида бирнеча қоп минерал ўғит, ҳашаротга қарши сепиладиган дори уйиб қўйилган.

Колхозчилардан звено бошлиғини сўрадик, шунда Мукамбар номли қиз:

— Иккита звеномиз бор, анаги келаётган киши Аброр ака ҳам звено бошлиғи, — деб жавоб берди.

Аброр ака юқорида та'рифланган «дала шийпонига» етиб келиши блан райком секретари ўртоқ Са'дуллаев ундан:

— Сиз нечанчи звенога бошлиқсиз? деб сўради.

— Ўзим ҳам билмайман, шундай деб айтишади. Аммо ҳаммамиз аралаш ишлаймиз, мен бўлса сув қўйишдан бўшамайман, қизлар бўлса чопиқ блан банд.

«Звено бошлиғи» Аброр аканинг бу сўзидан кейин райком секретари ўртоқ Са'дуллаев жуда ўнғайсизланди. У яна такрор сўради:

— Сизга қанча ер берилган?

— 18 — 20 гектар бўлса керак.

Ҳозирги аҳволдан хижолат бўлган райком секретари бизни бошқа бригадага бошлаб борди. Ўртоқ Жўраев бошлиқ 14-нчи бригада ерларидамиз. Ер четида, ариқ бўйида янги, шинам қилиб қурилган шийпон бор экан. Шийпонда бирор плакат, шиор ёки бошқа нарса кўринмайди. Колхозчилар ерда ўтириб тушки нонушта қилмоқдалар. Бригадир ҳам, звено бошлиғи ҳам йўқ. Колхозчиларнинг бирортаси ҳам қайси звенода ишлашини билмайди. Шийпон нарирогида «Универсал» ҳам «дам олиб» турипти, универсалчи ҳам овқатлангани кетган.

Ўртасарой район Свердлов номли колхознинг илғор, «намунали» бўлган бу бригадаларидаги аҳвол бошқа бригада ва звеноларда ҳам рўй бермоқда. Колхоз 1180 гектар пахта майдонига эга. Рўйхатда 57 звено бор деб қайд қилинган. Амалда эса ҳамма колхозчилар баравар ишлайберадилар, меҳнатни ташкил қилиш, меҳнат кунларини ҳисобга олишда звено принципига мутлақо э'тибор берилмайди.

Бундай аҳволни тузатишга МТСнинг шу колхоздаги агрономи ўртоқ Абдуқаҳҳор Пирмуҳамедов ҳам «вақт топаолгани» йўқ. Звено бўлиб ишлаш принципининг бузилиши, бунга бефарқ қараш меҳнат унумининг пасайишига, ғўза парваришининг кечикиб ва сифатсиз ўтказилишига сабаб бўлмоқда.

МТС зонасидаги бошқа колхозларда ҳам звенолар рўйхатда бор, амалда йўқ. Бу аҳвол далада эгасизликнинг ҳукм суришига сабаб бўлмоқда. Сталин номли ва Жданов номли колхозларда карталарнинг четларида парвариш қилинмай ташлаб қўйилган ғўза қаторлари кўп. Ўқариқлардаги ғўза қаровсизликдан қовжираб ётибди.

МТС бош агрономи ўртоқ Бозоров бизни шу зонадаги колхозлар илғор звеноларининг иши блан таништирмоқчи бўлди. Аммо унинг делосидаги саноқсиз қоғозлар орасидан, «колхозларда 132 та пахтачилик звеноси бор» деган ма'лумот топилди, холос.

Мусобақадош Озарбайжон пахтакорларининг вакиллари Ўртасарой районидаги колхозлардаги катта майдонларда ғўза ўсишдан қолаётганлигини, парваришда агротехника қоидалари бузилаётганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Бундай аҳвол 1-нчи МТС зонасидаги колхозларда ҳам кўпроқ содир бўлмоқда. Охунбобоев номли, «XIX партс'езд» колхозларида ғўза ўз вақтида озиқлантирилмаётир ва сувдан қолдирилмоқда.

Ўртасарой районидаги колхозларда пахтадан, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли унвонга эга бўлган звено бошлиқлари, механизаторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик илғорларининг номи республикамизга машҳурдир. Лекин бу илғорларнинг тажрибаларини оммалаштириш, юқори ҳосилли звенолар, юзцентнерчилар мусобақасини кенгайтиришдек муҳим иш блан район партия комитети ҳам, МТС раҳбарлари ҳам мутлақо шуғулланмай қўйганлар. Социалистик мусобақага бошчилик қилишдаги бу аҳвол ғўза парваришининг кечикишига, юзцентнерчилик ҳаракатининг кенг ривожланишига салбий та'сир кўрсатмоқда.

Пахтачиликда бригада, звено принципига риоя қилиш меҳнатнинг тўғри ташкил этиш асосидир. Ўртасарой район партия комитети (секретари ўртоқ И. Юнусов) социалистик мусобақага бошчилик қилишдаги юзакиличка барҳам бериши, ҳамма колхозларда звено бўлиб ишлаш принципини мустаҳкам ўрнатиш блан ғўза парваришидаги қолоқликни тугатишга эришмоғи зарур.

Т. ОРИПОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 15 ИЮНЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Культивация		Чопиқ		Озиқлантириш	Суғориш	
	III	IV	II	III		I	II
Оққўрғон	92,4	25,5	58,7	4,5	90,0	98,8	25,7
Оҳангарон	22,8	1,0	27,7	—	42,5	99,0	37,3
Бекобод	64,5	1,0	30,0	—	65,5	67,4	15,4
Бўка	64,0	9,3	28,8	1,0	65,6	93,0	8,6
Верхне-волинск	64,8	40,0	46,0	2,2	66,4	68,0	6,6
Юқоричирчиқ	99,0	75,0	51,3	1,9	57,0	97,0	38,6
Гулистон	96,8	44,8	61,0	3,9	80,0	89,0	21,5
Калинин	100,0	74,0	84,6	14,0	88,6	100,0	29,8
Мирзачўл	65,0	1,6	48,9	—	71,0	61,3	7,0
Октябрь	42,6	5,6	28,0	—	59,0	94,7	17,4
Оржоникидзе	100,0	100,0	84,0	10,0	99,0	99,6	50,2
Паркент	—	—	—	—	2,5	100,0	7,0
Пискент	23,6	—	16,3	—	51,0	86,1	21,1
Ўртачирчиқ	84,0	22,0	55,5	2,8	75,6	73,8	14,7
Сирдарё	82,2	18,2	76,0	1,1	83,3	67,7	4,6
Ўртасарой	58,0	—	52,6	—	73,0	78,4	9,6
Ховос	26,6	—	18,4	24	26,8	64,3	24,2
Чиноз	92,6	42,8	57,6	10,1	76,2	83,6	22,4
Янгийўл	87,0	32,0	65,0	1,8	89,9	49,7	0,9

ҒЎЗА ЯХШИ ПАРВАРИШ ҚИЛИНМОҚДА

«Ўзбекистон ССР бешиллиги» пахта совхозининг 7-нчи бўлимидаги П. Сўфихўжаев бошлиқ бригада а'золари ғўзани парвариш қилиш ишларини яхши ташкил қилиб, илгари кетмоқдалар. Бу бригаданинг ишчилари 54 гектар ердаги ғўзани яхши парвариш қилиб, унинг нормал ривожланишига эришмоқдалар. Пахтакорлар бу йил ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги социалистик мажбуриятларини шараф блан бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Ҳозир бригадада ғўза иккинчи чопиқдан чиқарилди. Ғўза талабига қараб ўз вақтида суғорилмоқда. Шу блан бирга ғўза ривожланиш даражаси ва ернинг унумдорлигига қараб тўғри озиқлантирилмоқда.

Ғўзани парвариш қилишда Х. Тешабоев каби илғор ишчилар айниқса намуна кўрсатаётирлар. Улар кунлик нормаларини 150—200 процентгача бажараётирлар. Сувчилардан Т. Бекмуродов ва Д. Бердиқуловлар ҳам ғўзани суғоришда намунали меҳнат қилмоқдалар.

Ғўзани парвариш қилишга универсалчи ўртоқ Қ. Иброҳимов катта ҳисса қўшмоқда. У ҳозир бригада ғўзасини 3-нчи культивациядан чиқарди.

Қ. ПЕРШЕЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ С. И. Умаровни Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министри қилиб тайинлаш тўғрисида

Ўртоқ Солих Исаевич **Умаров** Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1954 йил 17 июнь,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ К. Е. Житовни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлаш тўғрисида

Туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати блан ҳамда кўпйиллик ва самарали илмий-текшириш ва педагогик ишлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, тарих фанлари кандидати ўртоқ Константин Евлампиевич **Житов** Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи блан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

Тошкент шаҳри.
1954 йил 16 июнь.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Икки инструкторнинг икки хил иши

Оҳангарон район партия комитети яқинда 1-нчи МТС зонасидаги Охунбобоев номли, Каганович номли, Куйбишев номли колхозларга биркитилган инструктор ўртоқ А. Алматовнинг ҳамда 2-нчи МТС зонасидаги Калинин номли, Андреев номли, Жданов номли колхозларга биркитилган ўртоқ Х. Ўроловнинг ишлари ҳақида ижобий ва танқидий мақолалар берилмайди. Инструктор ўртоқ Алматов бу колхоз партия ташкилотига амалий ёрдам бериш ўрнига ўртоқ Бўриевни кўрганда «Хўш, ўртоқ секретарь, ишлар қалай?» деб берган саволига «яхши» деган жавоб олиш блан чегараланмоқда. Ўртоқ Алматов камдан-кам борадиган Охунбобоев номли, Куйбишев номли колхозларда эса агитация-пропаганда ишлари бўшаштириб юборилган.

2-нчи МТС зонасига биркитилган инструктор ўртоқ Ўроловнинг иши эса Алматовнинг ишидан бутунлай фарқ қилади. Ўртоқ Ўролов биркитилган Калинин номли ва Андреев номли колхозлар районда энг қолоқ колхозлар ҳисобланади. Райком инструктори ишни аввал ана шу қолоқ колхозларда бошлаб, бу колхозларнинг экономикаси блан чуқур танишди. У Калинин номли колхоз партия ташкилоти ҳисобидаги 31 коммунистнинг қайси тормоқда ишлаётганлиги ва уларнинг ўз вазифаларини қандай бажараётгани блан танишди ва ўз вазифаларида ғайрат блан ишламаётган айрим коммунистларни бошланғич партия ташкилоти йиғилишида танқид қилди.

Масалан коммунист Умурзоқ Исҳоқов мол фермасида 6—7 йилдан бери мудирлик вазифасида ишлаган. Аммо ўртоқ Исҳоқов ўз иш даврида чорва маҳсулотдари топшириш планининг бирор турини ҳам бажармаган. 300 дан ошиқ эчкилар соғилишига қарамай 3 ой ичида бирор литр сут ёки ёғ колхоз омборига топширган эмас. Колхоз партия ташкилоти (секретари Анорбой Рустамов) чорвадорлар ўртасида КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумлари қарорлари ҳақида кейинги вақтгача тушунтириш ўтказмаган.

Колхоз партия ташкилотининг органи «Мўл ҳосил» деворий газетасида бу фермадаги камчиликлар ҳақида катта танқидий мақола э'лон қилинди. Инструктор ўртоқ Х. Ўроловнинг берган маслаҳати блан колхоз партия ташкилоти ферма мудири Исҳоқовнинг ҳисоботини эшитди ва уни қаттиқ огоҳлантирди. Мол фермасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш учун коммунист Абдужаббор Тошматов агитатор қилиб биркитилди. Агитатор чорвадорларга КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини ўқиб тушунтирди. Сўнгги вақтда бу фермaнинг иши бутунлай янгидан ташкил этилди. Ферма мудири ўртоқ Исҳоқов кейинги 15 кунда 424 килограмм ёғ ва 2286 килограмм жун топширди. Ўтган йилдагига нисбатан ҳар эчкидан 0,350 граммдан ортиқ жун топширилди.

Колхоз раҳбарлари колхоз хўжалигига бир томонлама раҳбарлик қилганликларидан ўтган йили ўз вақтида хашак тайёрланмагани учун қишда чорва молларидан бирқанчаси нобуд бўлган эди. Инструктор ўртоқ Ўролов хашак тайёрлаш масаласига колхоз раҳбарларининг э'тиборини жалб этди. Ўтган 10 кунликда 2 та трактор ва 2 от пичан ўриш машиналари ишга солинди, 15 колхозчи хашак тайёрлашга тайинланди. Қисқа вақт ичида бу бригада 80 гектар беда ва 170 гектар пичан ўриб, 180 тонна беда-хашак тайёрлади.

Инструктор ўртоқ Ўролов ипакчилик масаласида ҳам катта камчиликлар борлигини аниқлади. Ўтган йилги топширилган пилла учун олинган ипакли моллари қурт боқучи звеноларга бермай, колхоз «катталари» ўзаро бўлишиб олганлар. Бу хатони яна такрорламаслик учун тегишли чора кўрилди.

Инструктор ўртоқ Ўролов қурт боқучилар ўртасида машҳур пиллачи Сталин мукофоти лауреатлари Ҳурмат Тешаева ва Олияхон Султоноваларнинг иш методи ҳақида ва Қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш шартлари ҳақида суҳбатлар ўтказди.

Инструкторнинг тавсияси блан қишлоқ мактабининг ўқитучилари ҳам қурт боқучиларга ёрдам берабошладилар. Мактаб ўқитучилари онла а'золарининг кучи блан 8 қути қурт боқилди. Ўқитучи коммунист ўртоқ Курбонов пиллачилар орасида агитатор бўлиб ишлади.

Райком инструктори ўзининг иш планига асосан пахтачилик бригадаларида ҳам кундалик иш олиб бормоқда. Бригада бошлиқлари Ҳасан Умаров, Аҳмад Хўжамқуловлар партия йиғилишида қилинган тўғри танқиддан тегишли хулоса чиқариб, илғор бригадалар қаторидан жой олдилар. Пахтачилик бригадаларида 4 та дала шийпони ремонтдан чиқарилиб яхши жиҳозлантирилди, радиоприёмниклар ўрнатилди.

Райком инструктори ўртоқ Ўролов хўжалик ишлари блан сиёсий ишларни бирга қўшиб олиб бораётганлиги ҳамда колхоз партия ташкилотларига амалий ёрдам бераётганлиги туфайли илгари районда энг қолоқ ҳисобланиб келган Калинин номли ва Андреев номли колхозларнинг хўжалик тормоқлари сезиларлиқ даражада ривожланмоқда.

Райкомнинг бюро мажлисида МТСлар бўйича зона секретарьлари Набиев ва Ўтамалиев ўртоқларнинг инструкторларнинг ишига амалий ёрдам бермаётганликлари та'кидланди.

Район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Зиёев ва райком секретари А. Драгин ўртоқлар колхозларга борганда колхоз партия ташкилотларининг секретарьлари ва инструкторлар блан гаплашиш ўрнига колхоз раислари блан сўзлашиб қайтабериш каби практикадан ҳали ҳам воз кечган эмаслар. Бу метод колхоз партия ташкилотлари ва инструкторларнинг иш фаолиятини оширишга ёрдам бермайди.

Оҳангарон район партия комитетининг раҳбарлари бошланғич партия ташкилотлари ва инструкторларнинг ишини янада яхшилаб, улар воситаси блан партиявий-сиёсий ишларни кучайтирсалар хўжалик ишларининг муваффақиятини та'минлайдилар.

А. НАБИЕВ.

Суратда: Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводининг токари комсомол а'зоси **Камол Муҳитдинов.** У, кундалик нормасини 280—300 процентга етказиб адо этмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти колхозчи кутубхонаси сериясиида қуйидаги китобларни нашр этди:

П. В. КАЖИХИН, П. П. ЯЗИКОВ. — **«Чигитни уялаб-квадрат қилиб экиш».** 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

В. Б. МАССИНО. — **«Ўзбекистонда қорамолни қўлда боқиш учун ем-хашак базаси».** 28 бет, тиражи 25.000, баҳоси 60 тийин.

А. ОБИДЖОНОВ. — **«Чорва молларининг юқумли касалликлари ва унга қарши кураш чоралари».** 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

Я. НОСИРОВ ва **М. УМАРОВ.** — **«Ўзбекистон суғориладиган районларининг тупроғи»** 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

А. А. ВАСИЛЬЕВ. — **«Ғўза ва беда касалликлари ҳамда уларга қарши кураш чоралари»,** 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

М. ГАНИЕВА ва **В. ГУДОШНИКОВ.** — **«Ипак қуртини боқиш техникаси».** 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

А. Н. ЛУЖЕЦКИЙ. — **«Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги фойдали ҳашаротлар».** 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

М. В. МУҲАММАДЖОНОВ. — **«Ғўза агротехникаси».** (Ғўзани эрта етилтирадиган ва қосилини машина блан теришга мослаб ўстирган ҳолда мўл пахта ҳосили олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган агротехника тадбирлари системаси) 152 бет, тиражи 25.000, баҳоси 4 сўм.

Н. Н. БАЛАШЕВ. — **«Картошкадан юқори ҳосил олайлик».** 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 80 тийин.

М. М. МИРЗАЕВ. — **«Қулупнай ва малина»,** 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 1 сўм.

М. М. МИРЗАЕВ, В. В. КУЗНЕЦОВ — **«Мевали дарахтлар ўтказиш ва уларни парвариш қилиш»,** 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

Е. И. КВАСНИКОВ ва **М. Г. СУМНЕВИЧ.** — **«Ўзбекистонда мол озиғини силослаш»,** тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

Л. Н. БАБУШКИН. — **«Ўзбекистон иқлими»** 28 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

М. В. МУҲАММАДЖОНОВ. — **«Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини янада юксалтирайлик».** 16 бет, тиражи 25.000, баҳоси 40 тийин.

С. А. ЖУРАВСКАЯ. — **«Ғўза зараркунандалари ва уларга қарши ким'ёвий усул блан кураш чоралари».** 32 бет, тиражи 25.000, баҳоси 70 тийин.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси

15 июньда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Тошкент областининг 1954 йилги маҳаллий бюджети ва 1953 йил бюджетининг ижроси тўғрисида область молия бўлимининг мудири ўртоқ Элчибеков доклад қилди. Шунингдек, сессияда область Совети доимий молия-бюджет комиссиясининг раиси ўртоқ Исломовнинг ҳам доклади эшитилди.

Докладчи ва сессияда сўзга чиққан ўртоқларнинг та'кидлашича, областьда халқ хўжалигини ривожлантириш ва аҳолининг маданий-маиший ҳаётини яхшилаш учун йилдан-йилга кўпроқ маблағ чиқарилмоқда. 1954 йил бюджетининг асосий қисми, я'ни 87 процентдан кўпроғи социал-маданий тадбирлар учун сарф қилинади. Областьнинг ҳамма шаҳар ва район бюджетлари ҳам анча ўсади.

Шаҳарлар, район марказлари, қишлоқ ва посёлкаларда янги мактаблар, шифохоналар қурилади, йўл ва коммунал қурилиши яхшиланади, маданий-оқартув муассасалари кенгайтирилади.

Музокарага чиққан кишилар бюджетнинг бажарилиши учун зарур бўлган резервларни сафарбар этиш ва улардан фойдаланиш масаласига алоҳида э'тибор бердилар. Маҳаллий ва ёқилғи саноати корхоналари, ҳунармандчилик ва коммунал хўжалик корхоналарининг кўпи ишлабчиқариш топшириқларини бажармаётганликлари ва рентабель ишламаётганликлари алоҳида кўрсатилди. Бунинг натижасида бюджетга бўладиган киримлар камаймоқда, план бўйича белгиланган тадбирларни маблағ блан та'минлаш қийинлашмоқда. Жумладан, 1953 йилда областьнинг бюджети даромадлар бўйича кўзда тутилгандан 13 миллион сўм кам бўлди.

Область ижроия комитети, район ижроия комитетлари ва уларнинг бўлимлари, айниқса молия органлари бюджет маблағларининг сарф этилишини системали равишда контроль қилиб турмайдилар. Ўтган йил халқ маорифи учун область бўйича чиқарилган маблағдан 2 миллион сўмдан кўпроқ, шу жумладан янги мактаблар қуриш учун ажратилган маблағлар фойданилмай қолди. Молиявий иш устидан контроль қилиш айниқса қишлоқ ва посёлка советларида яхши йўлга қўйилмаган. Қишлоқ жойларидаги кутубхоналарни жиҳозлаш ва янги китоблар сотиб олиш учун ажратилган ўн мингларча сўм пул фойдаланилмай қолди.

Доимий молия-бюджет комиссиясининг раиси ўртоқ Исломов кўпгина совет ва хўжалик ташкилотлари томонидан молия интизоми бузилаётганлиги, штатда кўрсатилмаган вазифалар учун ма'мурий-бошқарма ходимларига маблағ тўлаш ҳоллари рўй бераётганлигини айтди. Кўп қишлоқ советларида, шу жумладан Оржоникидзе районида молия интизомини бузиш ва маблағларни исроф қилиш ҳоллари содир бўлди.

Область коммунал хўжалиги, область матлубот союзи, ҳунармандчилик союзлари ревизия ишларини яхши йўлга қўймаганликлари учун маблағни нотўғри сафрлаш ва исроф қилиш ҳоллари рўй берди.

Сўзга чиққан депутатлар область ижроия комитетининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасига раҳбарликни яхшилаши зарурлигини та'кидладилар.

Ўртоқ Павлова областьдаги медицина муассасаларини дори-дармонлар блан та'минлашни яхшилаш учун «Ўзмедснаб» базаси тузиш кераклигини сўзлади.

Оҳангарон район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Ўтабоев район марказини обод қилиш учун амалга оширилиши керак бўлган энг зарур тадбирлар тўғрисида гапирди. Бирнеча йилдан бери Оҳангарон район марказини обод қилиш генерал планини тузиш тўғрисида область ижроия комитетида гап бўлади, броқ ҳалигача бу масалада ҳеч нарса қилингани йўқ. Шунинг учун районда қурилиш ишлари плансиз, сметасиз олиб борилмоқда. Область ташкилотлари районни радиолаштириш ва электрлаштиришга яхши ёрдам бермаётирлар. Коммунал хўжалик министрлиги эса район марказларини обод қилиш иши блан шуғулланмаётир.

Бекобод район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Қодиров ва Оржоникидзе район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Афзалов ҳам район марказларининг ободончилигига э'тибор қилиш кераклигини та'кидладилар.

Қуйичирчиқ район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мерганов область ижроия комитетининг йўл қурилиш ишларига яхши раҳбарлик қилмаётганлигини танқид қилди. Кўпгина медицина муассасаларида кадрлар етишмаётганлигини кўрсатди.

Сессияда, айниқса қишлоқ мактабларини ихтиосли педагог кадрлар блан та'минлашга етарли аҳамият бермаётганлиги учун Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ҳам танқид қилинди.

Сессия 1954 йил бюджети ва 1953 йил бюджетининг ижроси тўғрисида қарор қабул қилди.

Область бюджети даромад ва харажатлар бўйича 344 миллион 215 минг сўм миқдорида тасдиқланди.

Сессияда ташкилий масалалар ҳам кўрилди.

Ўртоқ М. Ғ. Ғуломов бошқа ишга ўтганлиги сабабли область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинди.

Сессия область ижроия комитети раисининг ўринбосари қилиб ўртоқ А. Н. Скляровни тасдиқлади.

Комсомолларнинг иш фаолияти кучаймоқда

КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорлари ва СССР Министрлар Совети ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида чиқарган қарорлари музосабати блан «Чирчиксельмаш» заводи коллективи олдида мамлакат қишлоқ хўжалиги учун қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш вазифаси турипти.

Бу заводда 400 га яқин комсомол ва 800 дан ортиқ ёшлар ишлайдилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги тарихий қарорларидан илҳомланган завод комсомоллари ўртасида ишлабчиқариш фаолияти кучайиб кетди.

Комсомол ташкилотининг ташаббуси блан цехларда комсомол йиғилишлари ўтказилиб социалистик мусобақанинг натижалари, меҳнат унумини ошириш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳозирги вақтда заводда 14 та комсомол-ёшлар бригадалари бор, улар бир-бирлари блан мусобақалашмоқдалар. Ўртоқ Раҳимов бошлиқ бўлган комсомол ёшлар бригадаси шу кунларда смена топширигини 300 процентгача бажармоқда. Ўртоқ Абдувалиева бошлиқ пармаловчилар бригадаси эса социалистик мусобақада биринчиликни эгаллаб, кўчма Қизил байроқ олди.

Комсомол ташкилоти завод оталигида бўлган Юқоричирчиқ районидаги МТСга ва Оржоникидзе районидаги Пушкин номли колхозга катта ёрдам бермоқда. Комсомолларнинг кучи блан иш вақтидан ташқари МТС учун 5 та НКУ—2—8 машинаси тайёрлаб берилди.

Ғўза парвариши вақтида комсомол-ёшлар оталиқдаги МТС ва колхозларда концертлар берадилар ва комсомол ишларини яхшилашда уларга кўмаклашадилар.

Ишлабчиқариш соҳасида катта муваффақиятларга эришилганлигига қарамасдан завод комсомол ташкилотининг ишида ҳали жиддий камчиликлар бор. Умумзавод комсомол йиғилишлари тез-тез ўтказиб турилмайди.

Бу йил завод маҳсулот ишлаб чиқариш ни 25 процент ошириши ҳамда янги машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириши керак. Комсомол ташкилоти социалистик мусобақани кучайтиришда эришган ютуқларни мустаҳкамлаб, 1954 йил планини муддатидан илгари бажариш учун янада зўр ғайрат блан ишлаши керак.

П. В. АБЛОМОНОВ

«Чирчиксельмаш» заводи партия бюроси секретарининг ўринбосари.

Аспирантларнинг илмий-назарий конференцияси

Яқинда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти аспирантларининг илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияга институтнинг профессор-ўқитучилари ва студентлари қатнашдилар.

Конференцияда фаннинг турли соҳасига оид илмий, методик ва назарий докладлар тинглади. Педагогика кафедрасининг аспиранти М. Собиров «XIX аср ўзбек демократлари Фурқат, Завқий, Авазнинг сиёсий ва фалсафий қарашлари» деган темада доклад қилди. Аспирант бу темани атрофлича таҳлил қилиб бериш блан бирга, ўзбек демократларининг рус маданиятини тарғиб қилишдаги ролларини кўрсатди.

«Урушдан кейинги ўзбек адабиётида Горькийнинг та'сири» темасида доклад қилган рус адабиёти кафедрасининг аспиранти ўртоқ Константинова ўзбек адабиётига рус адабиётининг та'сири ҳақида жуда кўп мисоллар келтирди, ўзбек ёзучиларининг ижодий ўсишини батафсил сўзлаб берди.

Конференцияда «Болалар адабиётининг болаларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги роли» ҳақида аспирант Разбоева, «5—7-нчи синфларда она тилидан ўтилган материалларни такрорлаш методикаси» ҳақида аспирант Қосимова ўртоқлар доклад қилдилар. Шунингдек аспирантлардан Худойберганов, Худойқулов ўртоқларнинг айрим ўсимликларнинг ўсиши устида олиб борган ўз тажрибалари ҳақидаги докладлари ҳам тингланди.

Конференция аспирантларнинг илмий фаолияти тобора ошиб бораётганлигини кўрсатди.

К. УМАРОВ.

Ижодий марксизмнинг машҳур асари

(В. И. Ленининг «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган асарининг чиққанига 60 йил тўлиши муносабати блан)

1894 йилда ёзилган ««Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган китоб В. И. Ленининг биринчи йирик асаридир. Бу китобда 90-нчи йилларда-ги либерал народникларнинг марксизм устига ёғдирган туҳматлари шафқатсиз равишда фош қилинади ҳамда марксизм мазмун жиҳатидан чуқур, форма жиҳатидан аниқ-равшан асослаб берилади ва янада ривожлантирилади. Бу гениал асар рус революцион социал-демократизмининг аташин программ ҳужжатидир. В. И. Ленин бу асарда жамиятнинг илғор революцион кучи бўлган Россия ишчилар синфининг буюк тарихий ролини асослаб берди, унга социализм учун кураш йўлларини кўрсатди, чоризм, помешчик ва капиталистларни ағдаришнинг асосий воситаси тўғрисидаги, я'ни ишчилар блан деҳқонлар революцион иттифоқи тўғрисидаги идеяни биринчи бўлиб илгари сурди. Владимир Ильич бу ажойиб асарда ўша даврдаги рус марксистларининг сиёсий вазифаларини ва, биринчи навбатда, тарқоқ марксистик тўгараклари ягона марксистик ишчи партиясига уюштириш вазифасини кўрсатиб берди.

В. И. Ленининг ««Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган китоби Россиянинг шаҳарларида ҳам, қишлоқларида ҳам капитализм тез ривожланаётган бир вақтда майдонга келди. Ўша даврда мамлакатимизда стачка кураши тажрибасига эга бўлган кўп сонли саноат пролетариати вужудга келган эди. Ишчилар ҳаракатининг ривожланиши, ишчилар синфининг чоризмга ва капитализмга қарши революцион курашининг кучайиши, революциянинг жуда ҳам яқинлашиб қолганлиги ишчилар синфининг ягона революцион марксистик партиясини, унинг революцион курашига раҳбарлик қилаоладиган партиясини тузишни талаб қилди.

Марксизмни ёйиш ва ягона пролетар партиясини тузиш йўлидаги асосий тўсиқ — народниклик бўлиб, бу реакцион оқим марксизмга душман эди. Деҳқон қулоқ табақаларининг ва майда буржуазиянинг манфаатларини ифодалаган, мешчанлар социализмини тарғиб қилиш ниқоби остига яширинган ва марксизмга батамом душман бўлган Михайловский, Кривенко, Южаков, Воронцов ва шу каби бошқа народниклар «Русское богатство» журнали саҳифаларида марксизмга қарши юриш бошладилар.

Россиядаги ишчилар ҳаракатини тўғри йўлга солиб юбориш ва марксистик ишчилар партиясини тузишни амалга ошириш учун народниклики назарий ва ғоявий жиҳатдан тор-мор келтириш зарур эди.

Ленининг ««Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган асари народникларнинг марксизмга қарши олиб борган худди шу юришларига жавоб бўлди.

Народникларнинг хато фикрларига асосий зарбани Плеханов ва унинг «Меҳнатни озод қилиш» группаси (руслларнинг биринчи марксистик группаси) берди. Плеханов народниклик идеяларининг реакцион характерга эга эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб берди, марксизмнинг ҳаққоний эканлигини ҳимоя қилди. Броқ, Плеханов ва унинг «Меҳнатни озод қилиш» группаси жиддий хаталарга йўл қўйганлиги учун народниклик батамом тор-мор қилинмади. Бу тарихий вазифани В. И. Ленин бажарди.

Ленин ўзининг ««Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган машҳур китобида либерал народниклар ниқобини йиртиб ташлади, амалда халққа қарши борган ва революцион курашдан воз кечишни ҳамда чор ҳукумати блан муроса қилишни тарғиб қилган бу сохта «халқ дўстлари»нинг ҳақиқий башарасини очиб ташлади.

««Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» асари уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлимида Ленин народникларнинг марксизм ва материализмга қарши билдирган э'тирозларини муфассал текшириб чиқди. Маркс ва Энгельснинг диалектик ва тарихий материализмини ҳимоя қилди ва уни янада ривожлантирди. Иккинчи бўлимда Россиянинг сиёсий-иқтисодий воқи'лигига С. Южаковнинг либерал-народникларча қарашлари танқидий нуқтаи назардан чуқур анализ қилинади. Учинчи бўлимда В. И. Ленин либерал народникларнинг реакцион сиёсий қарашларини ва тактикаларини танқидий текшириб чиқади, рус ишчилар синфи ва унинг партиясининг тарихий вазифаларини та'рифлаб беради.

1923 йилгача китобнинг учтача бўлими ҳам йўқолган деб ҳисобланар эди. 1923 йилга келиб фақат биринчи ва учинчи бўлимлар топилди. Асарнинг иккинчи бўлими ҳали ҳам топилмаган.

Ленининг ««Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган китобининг дун'ёга келиши жуда катта воқиа бўлди. Революцион социал-демократлар народникларга қарши курашда ишончли ва ўткир қуролга, ҳаракат учун жанговар қўлланмага эга бўлдилар.

В. И. ЛЕНИН ТОМОНИДАН ДИАЛЕКТИК ВА ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛИЗМНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ ВА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ ҲАМДА НАРОДНИКЛАРНИНГ СУБ'ЕКТИВ-ИДЕАЛИСТИК ҚАРАШЛАРИНИНГ ТОР-МОР ЭТИЛИШИ

Ленин народниклари марксизмнинг ашаддий ғоявий душманлари сифатида, Россияда суб'ектив-идеалистик назарияларни тарғиб қилучи метофизиклар ва идеалистлар сифатида фош қилди. Владимир Ильич ««Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган китобда марксизм философиясини «танқид» қилиб чиққан Михайловскийнинг ва либерал народникларнинг бошқа намоёндаларининг ҳужумидан марксизмни ҳимоя қилди ва тарихий материалистларча тушуниш тўғрисидаги, ижтимоий тараққиётнинг қонуниятлари тўғрисидаги, халқ оммасининг тарихдаги ҳал қилучи роли тўғрисидаги, диалектик метод ва бошқа масалалар тўғрисидаги Марксниг асосий фикрларини янада ривожлантирди.

90-нчи йиллардаги либерал народниклар идеалист бўлганликлари учун кишилик жамиятига қандайдир абадий ва ўзгармас бир нарса деб қарадилар, ҳамда, жамиятнинг мақсад ва вазифалари шахс, суб'ект томонидан унинг ма'навий идеалларига мувофиқ равишда белгиланади, деган фикрни илгари сурдилар. Улар, тарихни материалистларча тушуниш илмий асосланмаган, Маркс фақат тарихни материалистларча тушуниш керак деб айтади, лекин бу тушунишни систематик суратда ҳеч қаерда баён қилиб бермади, деган бўҳтонлар тўқиб чиқардилар. Народникларнинг бошлиғи Михайловскийнинг айтишича, Маркс ижтимоий фанларга ғўё ҳеч қандай янгилик киритмаган эмиш, тарихни материалистларча тушуниш ғўё «Капитал»да йўқ эмиш.

В. И. Ленин народникларнинг марксизмни бузишга уринишларига қарши, марксизмга ёғдирган туҳматларига қарши қақшатғич зарба берди, народниклар танқидининг сохта эканлигини фош қилди, тарихни материалистларча тушуниш ғўё қилинмаган Марксниг биронта ҳам асари йўқ эканлигини исботлади. Владимир Ильич, «Капитал» энг мураккаб бир ижтимоий формацияни материалистик метод блан илмий асосда тахлил қилиш намунасидир, «ҳамма қойил қолган ҳеч бирким ундан ўтиб кетолмаган намунадир» (1 том, 144 бет) деб кўрсатган эди.

Ленин либерал народникларнинг суб'ектив идеализмига қарши курашда Марксниг тарихий материализм назариясини ҳимоя қилишгина қолмай балки кўпгина масалаларда уни янада ривожлантирди, бу блан тарихни материалистларча тушунишни янги, янада юқори босқичга кўтарди.

Ленининг ««Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган китобида баён этилган асосий фикр шундан иборатки, Маркс яратган тарихни материалистларча тушуниш назарияси жамият тўғрисидаги та'лимот соҳасида қилинган революция бўлиб, амалда ижтимоий фанларнинг ҳақиқий тарихи ана шу революциядан кейин бошланади. Маркс ва Энгельс материализмни социал ҳодисалар соҳасига ҳам татбиқ этиб, ижтимоий тараққиёт қонунларини очдилар, табиатни ҳам жамиятни ҳам диалектик-материалистик тушунишни узвий равишда ўз ичига олган диалектик материализмни яратдилар.

Народниклар шахсга сиғиниш каби идеалистик назарияни тарғиб қилдилар. Улар, тарихий процессниг асосий яратучиси «танқидий фикр юритучи шахс» деб тасдиқладилар. Бу реакцион назарияда айтилишича «қаҳрамонлар», машҳур шахслар ижтимоий тузумнинг у ёки бу идеалларини яратадилар ва шунга мувофиқ равишда оммани ўз орқаларидан эргаштириб борадилар, ўз мақсадларини амалга ошириш учун оммадан итоатгўй қурол сифатида фойдаланадилар. Ўзларини халқ дўстлари деб атаган народниклар тарихда ҳал қилучи куч бўлган халқни амалда назар-э'тибордан четда қолдирдилар. Улар халқни назарларига илмас эдилар, ишчи ва деҳқонларни ҳом материал деб ҳисоблар ва бу материалдан «танқидий фикр юритучи шахслар» ўз идеалларига мос келадиган ҳарқандай йўлда фойдаланаоладилар, деб ҳисоблар эдилар.

Народникларнинг тарихий тараққиётга суб'ектив-идеалистларча қарашларига қарши В. И. Ленин олиб борган кураш шахсга сиғиниш тўғрисидаги идеалистик назарияни фош қилишда ҳозир ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки бу назария сўнгги вақтларгача ҳам бизнинг пропагандамизда учраб турди. Ма'лумки, пропагандамиз Коммунистик партия ва халқ оммасининг коммунизм қуришдаги ролини тўғри тушунтириб бериш ўрнига, ба'зан шахсга сиғиниш каби идеалистик позиция томон оғиб турди. Бу ҳол партиянинг ролини камситишга, партияли оммaнинг ва совет халқи кенг қатламларининг ижодий активлигини пасайтиришга олиб келди. Шахсга сиғиниш оммада ижодий ташаббус, активлик, ўз кучига ишонч туйғуларини тарбияламай, балки унда улар учун ҳамма нарсани айрим шахслар, раҳбарлар бажарадилар, деб пассивлик блан кутиб туриш одатини яратди. Шахсга сиғиниш кадрларни партияга, халққа, коммунизм ишига содиқлик руҳида тарбияламайди, балки айрим шахсларга кўр-кўрона ишониш, содиқ бўлиш руҳида тарбиялайди, социалистик демократизм, партия ички демократияси, партия коллектив раҳбарлиги принципларига путур етказади.

Марксистлар тарихда «қаҳрамонлар» —буюк кишилар бўлишини ҳам э'тироф этадилар. Броқ, бундай буюк кишилар жамият тараққиёти шароитларини тўғри тушунаолсаларгина, бу шароитларни қандай қилиб яхшилашни англайолсаларгина, жамият тарихида жиддий роль ўйнашлари мумкин. Марксизм-ленинизм тарихнинг ҳақиқий яратучиси халқ бўлиб, барча бойликларни халқнинг ўзи вужудга келтиради, деб та'лим беради.

В. И. Ленин сиёсий курашнинг народниклар ва методини, айниқса 60-нчи, 70-нчи йилларда народниклар қўллаган индивидуал террор тактикасини қат'ий суратда танқид қилди. Ленин бундай тактикани революцион ҳаракат учун зарарли тактика деб ҳисоблади, чунки бу тактика омма курашини айрим «қаҳрамонлар» кураши блан алмаштирар ва халқ революцион ҳаракатига бўлган ишончни йўқотар эди.

Народниклар меҳнаткашлар диққатини эксплуататорларга қарши курашдан четга тортдилар, ишчилар синфи ва деҳқонларнинг революцион ташаббуси ва активлигининг ривожланишига халал бердилар, ишчилар синфига революциядаги ўз раҳбарлик ролини англаб олишда тўсқинлик қилдилар, ишчилар синфининг мустақил партиясини яратиш ишини кечиктирдилар.

Михайловский ва бошқа либерал народниклар, майда буржуа идеологлари ва идеалист-метафизиклар сифатида, ўзларининг марксизмга бўлган адоват ва душманликларини ифода этиб, марксизм философиясини ва, айниқса, марксистик диалектик методни обрўсизлантиришга уриндилар. Михайловский, марксизм Гегель диалектикасини ўзлаштириб олган, марксистлар Россиянинг ижтимоий-тарихий тараққиётини асослаш учун тарихий тараққиётнинг ҳақиқий процессини ўрганмайдилар, балки бу тараққиёт процессини Гегель диалектикаси формуласига, унинг машҳур триадасига мажбуран мослаштирадилар, деган бўҳтонлар блан марксизмни айблади.

Ленин народникларнинг марксизм устига ёғдирган бу бема'ни бўҳтонлари ва разил туҳматларини фош қилиб, ўзининг ««Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган китобида бундай деб ёзади: «Виз бунда: марксизм Гегель диалектикасини ишлатган, деб марксизмга туҳмат тақилганлигини очиқ кўриб турибмизки, Марксни танқид қилган буржуа танқидчилар бундан олдин ҳам Марксга шундай туҳматни жуда кўп марта тақиб, бундай гапни кўп чайнаган эдилар. Назариянинг ўзига, моҳиятига қарши бирон далил блан э'тироз қилиш қўлларидан келмагач, бу жаноблар Марксниг баён қилиш усулига ёпишиб олганлар, назариянинг келиб чиқишига ҳужум қилиб, шунинг блан назариянинг асл мағзини чиқариб ташламоқчи бўлганлар» (ўша ерда, 171 бет).

Ленин Марксниг, менинг методим Гегель методига тўғридан-тўғри қарамақаршидир, деган сўзларини эслатиб ўтади. Гегель, идеялар тараққиёти воқи'лик тараққиётини белгилаб беради, деб ҳисоблар эди, Маркс эса, «идеал нарса фақат моддий нарсанинг ин'икоси» эканлигини исботлаб берди. Шундай қилиб Ленин ҳар қадамда либерал марксистларнинг сохта усулларини фош қилиб ташлади, марксизм асосларини муфассал равишда тушунтирди ва янада ривожлантирди.

Прага шаҳар меҳнаткашларининг митингида 1954 йил 15 июньда

ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Қадрдон ўртоқлар, шонли Прага шаҳрининг меҳнаткашлари!

Сизларга ва сизлар орқали Чехословакия Республикасининг барча халқига совет халқининг қизғин қардошлик саломини топширишга рухсат этгайсиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар. «Ура», «Яшасин Совет Иттифоқи!» деган табрик хитоблари янграйди).**

Чехословакия Коммунистик партиясининг ўнинчи с'езди бугун ўз ишини тамомлади. С'езд Чехословакия Коммунистик партияси сафларининг бирлиги ва жипслигини, унинг ўз халқига бундан буён ҳам садоқат ва фидокорлик блан хизмат қилишга, меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун фидокорона курашишга тайёр эканлигини намойиш қилиб кўрсатди.

Чехословакия ишчилари, деҳқонлари, интеллигентлари Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида ўз халқ-демократик давлатини мустаҳкамлашда, социализм асосларини қуришда катта муваффақиятларга эришдилар.

Чехословакия Коммунистик партиясининг ўнинчи с'езди эришилган муваффақиятларни та'кидлаб, республиканинг экономикаси ва маданиятини янада ривожлантиришнинг кенг программасини белгилади. Чехословакия Коммунистик партияси ўз с'ездида меҳнаткашларнинг турмуш даражасини тўхтовсиз оширишга, уларнинг моддий ва ма'навий эҳтиёжларини тобора кўпроқ қондиришга эришишни, халқнинг бахт-саодати тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишни асосий энг муҳим вазифа қилиб қўйди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқаришнинг техникасини ва технологиясини ошириш, меҳнат унумини тез ва кескин равишда кўтариш, меҳнат унумини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, иқтисодий тежашга қаттиқ риоя қилиш, қишлоқ хўжалигини зўр бериб ривожлантириш асосидагина бу вазифани муваффақиятли суратда амалга ошириш мумкин.

С'езднинг юксак уюшқоқлик ва аҳиллик блан иш олиб борганлиги, республикани янада ривожлантиришга доир энг муҳим масалаларни чуқур ва ҳартомонлама муҳокама қилганлиги, с'езд делегатларининг қарорларни тўла яқдиллик блан қабул қилганликлари, Миллий Фронтдаги бошқа партияларнинг Коммунистик партияни қўллаб-қувватлаганликлари, мамлакат меҳнаткашларининг Коммунистик партияга ишончини, уларнинг бу партиянинг сиёсатини қўллаб-қувватлашга қат'ий қарор берганликларини ифода этучи бугунги намойишингиз — буларнинг ҳаммаси Чехословакия Коммунистик партиясининг с'езди қабул қилган қарорлар муваффақиятли бажарилажагига мустаҳкам ишонч туғдиради. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Совет халқи чехословак халқининг янги ҳаёт қуриш йўлида эришаётган ҳарбир янги ғалабасини зўр шодлик блан кутиб олмоқда ва астойдил табриклямоқда. Биз, Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасида мустаҳкам асосда чинакам қардошларча дўстлик ва маҳкам ҳамкорлик муносабатлари вужудга келди, деб зўр қониқиш блан та'кидлай оламиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).** Бу дўстлик халқларимизнинг бахт-саодати йўлида кун сайин ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Совет Иттифоқи бундан буён ҳам Чехословакия Республикасининг содиқ ва ишончли дўсти бўлиб қолади. Совет Иттифоқига бемалол умид боғлаш мумкин. **(Гулдурос, давомли қарсаклар. «Ура», «Яшасин Совет Иттифоқи» деган хитоблар янграйди).** Чехословакия меҳнаткашлари бунга маҳкам ишоналадилар. **(Гулдурос, давомли қарсаклар. «Совет Иттифоқи блан абадий биргамиз!», «Ура» деган табрик хитоблари янграйди).**

Улуғ ижодий меҳнат блан банд бўлган меҳнаткашларимиз тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан астойдил манфаатдордирлар. Тинчлик душманлари инсониятга янги жаҳон уруши чиқазиш блан таҳдид қилмоқчи бўладилар. Аммо, дун'ёнинг барча мамлакатларида яшовчи халқлар тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун тобора актив курашмоқдалар.

Биз, халқаро масалаларни тинч ҳал этишга интилаётганлигимиз ҳақида гапирар эканмиз, биз буни чин кўнгилдан айтамиз, капиталистик мамлакатлардаги ба'зи давлат арбоблари буни бизнинг заифлигимиз деб кўрсатмоқчи бўладилар. Улар бу блан ўз мамлакатларидаги жамоатчиликнинг фикрини чалғитишни истайдилар.

Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатини изчиллик блан амалга ошириб келмоқда, қурол-яроғларни камайтириш учун сабот блан кураш олиб бормоқда. Совет Иттифоқи атом, водород қуролини ва одамларни кўплаб қирадиган бошқа хилдаги қуролларни ишлатишни сўзсиз тақиқлаш тарафдори бўлиб келди ва ҳозирда ҳам шунга тарафдордир. Қуролсизланишнинг ва атом қуролини тақиқлашнинг душманлари илгари Совет Иттифоқи атом ва водород қуролига эга бўлмаганлиги учунгина бу таклифларни илгари суради, деган эдилар. Эндиликда, биз, атом қуролига эга бўлган ва водород қуролини бошқалардан илгари вужудга келтирганимиз ҳолда, қуролларнинг ана шу хилларини қўлланмаслик тўғрисида тантанали ва'да бериш ҳақида таклиф киритдик. Бундан мақсад — бу қуролларни тамомила тақиқлашга ўтишдир. Биз кучсиз бўлганимиз учун бундай қилаётганимиз йўқ, балки аксинча, меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини кўзлаб чинакам тинчликсеварлик сиёсатини амалга ошириб келмоқдамиз. Бу тамомила аёндир.

Куч ишлатиш сиёсатига амал қилиб, бизни таҳдидлар блан қўрқитмоқчи бўлганлар жуда катта хато қиладилар. Биз, асаби заифлардан эмасмиз ва бизни таҳдидлар блан қўрқитаолмайдилар. Бундай сиёсат бизга таниш. Бир вақтлар Гитлер бу сиёсатни ўтказиб келган эди. Бу қандай оқибатларга келтирди? Гитлернинг танази кўпданоқ чириб кетган, бизнинг халқларимиз эса, гуллаб-яшнамоқдалар. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Бизнинг кучларимиз ўсган ва мустаҳкамланган ҳозирги пайтда ҳарқандай дўқлар бизга сра ҳам қўрқинчли эмас. Демократия ва социализм лагери ўсиб, енгилмас, қудратли кучга айланди ва тинчликнинг бузилмас таянчи бўлиб қолди. **(Давомли қарсаклар).**

Биз шундай фактга асосланамизки, социализм лагери ва капитализм лагери бир вактда ёнма-ён туриб тинч яшаши мумкин. Аммо, биз, тинчлик ўз-ўзидан қўлга киритилмаслигини, тинчлик учун изчиллик ва сабот блан курашиш кераклигини ҳам биламиз.

Тинчлик учун кураш — халқаро масалаларни тинч йўл блан ҳал этишга эришиш демакдир. Биз, ҳормай-толмай шу йўлда курашмоқдамиз ва курашажакмиз.

Тинчлик учун кураш — халқ демократияси мамлакатларининг саноати, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга эришиш, мамлакатларимизнинг мудофаа қувватини мустаҳкамлаш демакдир, токи қўл тегиза кўрсанг, расвойи олам бўласан, деган сўзларни агрессорлар билиб қўйсинлар! **(Давомли қарсаклар).**

Шу сабабдан, коммунистик партиялар халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашларини — ишчиларни, деҳқонларни ва интеллигентларни ўз давлатларини мустаҳкамлашга, уларнинг бойлигини кўпайтиришга ва халқларнинг турмуш даражасини кўтаришга чақирмоқдалар.

Улуғ Ленин ва унинг ишларининг давомчиси Сталин янги ижтимоий тузум меҳнат унумининг юксак даражада бўлиши туфайли ғалаба қилаолади ва ғалаба қилиши керак, деб та'лим бердилар. Шу сабабдан, меҳнат унумини ошириш учун кураш — социализм қурётган меҳнаткашларнинг асосий вазифасидир.

Капиталистлар ҳам юксак меҳнат унуми тарафдоридирлар. Аммо, капиталистик мамлакатларда меҳнат унумининг оширилиши бир тўда капиталистларнинг бойишига, кенг меҳнаткашлар оммаси моддий аҳволининг ёмонланишига олиб боради. Социализм ва демократия мамлакатларида меҳнат унумининг оширилиши меҳнаткашларнинг уларига фойда келтиради ва уларнинг моддий фаровонлиги ҳамда маданий савиясини тўхтовсиз юксалтиришни та'минлайди.

Халқларимизнинг бир-бирини самимий ҳурмат қилиш ва ҳуқуқий тенглик принципига асосланган бузилмас дўстлиги — демократик лагерьдаги мамлакатларнинг улуғ қаётий куч ва қудратининг асосий манбаидир. Озод ва тенгҳуқуқли халқларнинг ана шу дўстлиги тобора ривожланади ва мустаҳкамланади, бу дўстлик халқларимиз озодлиги ва мустақиллигининг гарантияси, бутун дун'ёда тинчлик учун курашда муваффақият қозонишнинг гарови бўлади. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Прага меҳнаткашларининг, Чехословакия ишчилари, деҳқонлари ва интеллигенциясининг социалистик қурилишда, Чехословакия Республикасини янада яшнатиш учун курашда янгидан-янги буюк муваффақиятларга эришишларини чин кўнгилдан тилаймиз.

Яшасин Чехословакия Республикасининг халқлари!

Яшасин Чехословакия Миллий Фронти!

Яшасин Чехословакия Республикаси ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг илғор отряди — Чехословакия Коммунистик партияси!

Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқлари ўртасидаги қардошларча бузилмас дўстлик яшасин ва мустаҳкамлансин! **(Гулдурос, давомли овация, «Ура», «Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!», «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Совет Иттифоқи блан абадий дўстлик!» деган табрик хитоблари янграйди).**

ПРАГАДА ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ Х С'ЕЗДИ ЁПИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МИТИНГ

ПРАГА, 15 июнь. (ТАСС). Бугун Старомес майдонида Чехословакия Коммунистик партияси Х с'ездининг ёпилишига бағишланган митинг бўлди. Бу митингда бирнеча минг киши қатнашди.

Чехословакия Коммунистик партияси Х с'езди делегатлари колоннолари пайдо бўлганида, майдонга ва майдон атрофидаги кўчаларга тўпланган пойтахт меҳнаткашлари уларни гулдурос қарсаклар блан табриклядилар.

Чехословакия Коммунистик партиясининг янги сайланган Марказий комитети а'золари ва қардош коммунистик ҳамда ишчи партияларнинг делегациялари а'золари минбарда пайдо бўлганларида ҳамма уларни кучли «ура» садолари блан ва «Яшасин Чехословакия Коммунистик партияси! Яшасин Совет Иттифоқи! Яшасин тинчлик!» деган шиорлар блан кутиб олдилар.

Митингни Чехословакия Коммунистик партияси Прага область комитетининг биринчи секретари Бедржих Казелка очди. У, Антонин Запотоцкийга сўз берди.

Антонин Запотоцкий Чехословакия Коммунистик партиясининг Х с'езди қандай масалаларни ҳал этганлиги тўғрисида сўзлаб берди ва чехословак халқи ҳозирги вақтда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитети тевараги ва ҳарқачонгидан кўра маҳкамроқ жипслашганлигини та'кидлади.

КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчев минбарда пайдо бўлганида, ҳамма уни кучли «ура» садолари блан кутиб олди. Н. С. Хрушчевнинг нутқи қарсаклар ва кучли «ура» садолари блан бўлиниб турди.

Митингда Хитой Коммунистик партиясининг вакили Лю Чжан-шэн, Италия Коммунистик партиясининг секретари Эдуардо д'Онофрио нутқ сўзладилар. Митингда Франция Коммунистик партияси ва Германия Коммунистик партиясининг вакиллари ҳам нутқ сўзладилар.

Митинг чехословак халқининг Чехословакия Коммунистик партияси блан бирлигини кўрсатган кучли намойишга айланди.

В. М. МОЛОТОВнинг Жанва кенгашида 1954 йил 15 июньда Корея масаласи юзасидан қилган баёноти

Ранс жаноблари, жаноб делегатлар!

13 майда Корея масаласи муҳокама қилинган пайтда Британия делегациясининг бошлиғи «асосий принциплар тўғрисида бир қарорга келиш» керак, деган фикрни билдирган эди. У, тузилиши мумкин бўлган битимнинг беш моддасини кўрсатиб, қуйидагиларни эслатиб ўтган эди: Умумкорея ҳукуматини тузиш учун сайлов ўтказиш тўғрисида, Шимолий ва Жанубий Кореяда ана шу сайловни ўтказишда пропорция принципига риоя қилиш тўғрисида, яширин овоз бериш йўли блан умумий сайлов ҳуқуқи асосида сайловнинг эркин ўтказилишини та'минлаш ҳақида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бошчилигида сайловнинг ўтказилишини халқаро назорат қилиб туриш ҳақида, четэл қўшинларини Кореядан олиб чиқиб кетиш шартларини белгилаш ҳақида Иден жанобларининг баёнотида бундай дейилган: «Агар биз ҳозирги мен айтиб ўтган ана шу беш принцип тўғрисида бир қарорга келсак, бу конференция шартлар ва босқичларни ишлаб чиқиш соҳасида амалий вазифаларга киришаолган бўлар эдик».

5 июньда совет делегацияси Корея масаласини ҳал этишнинг асосий принциплари тўғрисидаги ўз таклифларини кенгаш муҳокамасига тақдим этди. Бу таклифларнинг бирқанча моддалари Британия делегациясининг таклифларига асосан тўғри келади. Совет проектида ҳам беш модда баён қилинган эди. Шу блан бирга, бу моддаларнинг аниқ ва конкрет шаклда баён қилинганлигини билиб олиш қийин эмас.

Совет таклифларининг мазмуни қуйидаги асосий қоидалар блан характерланади:

а) Кореянинг ҳамма қисмида пропорцияли вакилликкa риоя қилган ҳолда Умумкорея эркин сайловини олти ой ичида ўтказиш.

б) Умумкорея миқ'ёсида эркин сайловга тайёргарлик кўриш ва бу сайловни ўтказиш учун Шимолий ва Жанубий Корея вакилларидан иборат Умумкорея комиссиясини тузиш.

с) Сайлов ўтказилабошланишигача барча четэл қўшинларини Кореядан олиб чиқиб кетиш.

д) Умумкорея сайловининг ўтказилишини кузатиб туриш юзасидан халқаро комиссия тузиш.

е) Узоқ Шарқда тинчликнинг сақланишидан энг кўп манфаатдор бўлган давлатларнинг Кореядаги тинч тараққиётни та'минлаш юзасидан мажбуриятлар олиши зарур эканлигини э'тироф қилиш.

Совет делегацияси бу таклифларни киритганида, Корея масаласини тинч ҳал этиш учун асосланиши лозим бўлган ба'зи асосий принциплар ҳақида кенгаш қатнашчиларининг нуқтаи назари ма'лум даражада яқинлашганлигини, шунингдек бир қатор масалалар юзасидан ҳали ихтилофлар борлигини кўрсатиб ўтган эди. Шу блан бирга, биз, Британия делегациясининг Корея масаласи юзасидан асосий принципларни белгилаш мақбул эканлиги ҳақидаги фикрига қўшиламиз, деган эднк.

Совет делегацияси томонидан киритилган таклифларни бирор тузатишлар блан қабул қилиш нимани англатган бўлар эди? Кенгашнинг шу ҳақдаги тегишли қарори Кореянинг миллий бирлигини тиклашда олға қараб қўйилган қадам бўлажагига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Совет делегациясининг беш таклифини мумкин бўлган тузатишлар блан қабул қилиш Корея давлатининг бирлигини тиклаш тўғрисидаги масалани ҳали ҳал этмаган бўлар эди, аммо, вақти блан амалга оширилиши лозим бўлган бундай қарорни тайёрлашга ёрдам берган бўлар эди.

Корея Халқ-Демократик Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси Совет делегациясининг таклифларини тамомила ма'қулладилар. Аммо, кенгашда қатнашаётган ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байроғи остида Кореяда уч йил уруш қилган давлатлар ана шу таклифларни конкрет суратда қараб чиқишдан сурбетларча бош тортдилар.

Буерда ана шу тўдадаги давлатларнинг Корея давлатининг бирлигини тиклашни енгиллаштириш учун олға қараб ҳеч бўлмаса бир қадам қўйиш мақсадида Жанва кенгашида қатнашучи барча давлатларнинг келишиб ҳаракат қилиши учун йўл топишга лоақал ҳозирги пайтда интилмаётганликлари ма'лум бўлиб қолди. Коммунистик давлатларга қарши муноқиқона ва риёкорлик блан айтилган сўзлар ана шу оддий фактни ёшираолмайди. Совет таклифлари асосли ва ҳаққоний таклифлар эканлигини э'тироф қилишни истамаганлари ҳолда, буерда Кореянинг миллий бирлигини тиклашга киришишни енгиллаштираоладиган бошқа ҳечқандай таклифлар киритилмаганлигига фақат шундай баҳо бериш мумкин.

11 июньда Канада вакили совет таклифлари тўғрисида энг кўп гапирган нотиқ бўлди. Шу блан бирга, совет таклифлари тўғрисида масалага ҳечқандай алоқаси бўлмаган ва тамомила ўринсиз саволлар кўп берилдики, буни муҳокама қилаётган масалани чалкаштиришга уриниш, деб қараш мумкин. Аммо, у ўз хулосасини ҳам чиқарди. Бу хулосанинг ма'носини тушуниб олиш қийин эмас. У ўз нутқини қуйидаги сўзлар блан тамомлади: «Сохта умидлар блан ўз фикримизни чалғитишдан ва келишув бўлмаганини ҳолда бир қарорга келинди, деб дун'ё халқларини ишонишга мажбур этишдан кўра ўртамиздаги ихтилофларга очиқ кўз блан қарасак ҳамда уларни э'тироф этсак, яхши бўларди».

Канада вакилининг сўзларидан фақат бир хулосани чиқариш мумкин: Корея масаласини ҳал этишдаги лоақал ба'зи асосий принциплар юзасидан бир қарорга келиш имкониятларини қидириб топишга уринишдан воз кечиш керак экан, чунки бир қарорга келиш иложи йўқ экан ва шу сабабдан, ана шу келишув йўлини топишга лоақал ҳозирги пайтда интилмаётганликлари ма'лум бўлиб қолди. Коммунистик давлатларга қарши муноқиқона ва риёкорлик блан айтилган сўзлар ана шу оддий фактни ёшираолмайди. Совет таклифлари асосли ва ҳаққоний таклифлар эканлигини э'тироф қилишни истамаганлари ҳолда, буерда Кореянинг миллий бирлигини тиклашга киришишни енгиллаштираоладиган бошқа ҳечқандай таклифлар киритилмаганлигига фақат шундай баҳо бериш мумкин.

11 июньда Канада вакили совет таклифлари тўғрисида энг кўп гапирган нотиқ бўлди. Шу блан бирга, совет таклифлари тўғрисида масалага ҳечқандай алоқаси бўлмаган ва тамомила ўринсиз саволлар кўп берилдики, буни муҳокама қилаётган масалани чалкаштиришга уриниш, деб қараш мумкин. Аммо, у ўз хулосасини ҳам чиқарди. Бу хулосанинг ма'носини тушуниб олиш қийин эмас. У ўз нутқини қуйидаги сўзлар блан тамомлади: «Сохта умидлар блан ўз фикримизни чалғитишдан ва келишув бўлмаганини ҳолда бир қарорга келинди, деб дун'ё халқларини ишонишга мажбур этишдан кўра ўртамиздаги ихтилофларга очиқ кўз блан қарасак ҳамда уларни э'тироф этсак, яхши бўларди».

Канада вакилининг сўзларидан фақат бир хулосани чиқариш мумкин: Корея масаласини ҳал этишдаги лоақал ба'зи асосий принциплар юзасидан бир қарорга келиш имкониятларини қидириб топишга уринишдан воз кечиш керак экан, чунки бир қарорга келиш иложи йўқ экан ва шу сабабдан, ана шу келишув йўлини топишга лоақал ҳозирги пайтда интилмаётганликлари ма'лум бўлиб қолди. Коммунистик давлатларга қарши муноқиқона ва риёкорлик блан айтилган сўзлар ана шу оддий фактни ёшираолмайди. Совет таклифлари асосли ва ҳаққоний таклифлар эканлигини э'тироф қилишни истамаганлари ҳолда, буерда Кореянинг миллий бирлигини тиклашга киришишни енгиллаштираоладиган бошқа ҳечқандай таклифлар киритилмаганлигига фақат шундай баҳо бериш мумкин.

Франция делегациясининг бошлиғи 11 июньда Канада вакилининг баёнотига қўшилди. Аммо, у, Корея масаласи юзасидан ўз таклифини тақдим этди, Бу таклиф ҳам бош асосий моддадан иборат. Бу моддаларнинг кўпчилиги совет делегациясининг таклифларига, шунингдек Британия делегациясининг таклифларига озми-кўпми ўхшаб кетади. Лекин шундай бўлса ҳам, Канада делегацияси каби Франция делегацияси ҳам Жанва кенгашида Корея масаласи юзасидан умумий принципларни қабул қилиш тўғрисида гапиришни умуман ўринсиз деб ҳисоблайди. Франция делегацияси Корея масаласи юзасидан умумий принциплар ҳақидаги ўзининг беш моддасига жиддий қарамоқдами, деган савол туғилади.

Бельгия делегациясининг бошлиғи Спаак жаноблари шу даражагача бориб етдики, у, совет делегациясининг таклифлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини «ҳалокатли оқибатларга» олиб келган бўлар эди, бу таклифларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун «ҳалокатли» деб ҳисоблаш керак, деди ва ҳоказо. Умумкорея сайловини контроль қилиш учун халқаро комиссия тузиш тўғрисида совет проектидаги таклифда бу комиссиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланиши кўзда тутилмаганлиги сабабли, ана шундай «мудхиш» сўзлар ва нотиқлик усуллари пайдо бўлди. Аммо, Спаак жаноблари ўзи қатнашаётган Жанва кенгашини чақириш вақтида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иштирокисиз иш кўрганлигимизни унутиб қўйган бўлса керак. Лекин шунга қарамай, ҳечқайсимиз бу ҳолга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаганимиз йўқ ва ҳисобламаймиз.

Британия делегациясининг бошлиғи 11 июньда нутқ сўзлаб, Корея масаласи юзасидан 13 майда сўзлаб ўтган ўзининг бешта асосий принципини эсга олиб ҳам ўтмади. У бу сафар ўзи айтганидек, «икки проблемага: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўсига ва эркин сайлов ўтказиш принципига»гина кўпроқ аҳамият берди. Жанва кенгашининг қатнашчиларидан бирортаси ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўсини қадрлаш зарурлигини, қадрлаганда ҳам сўзда эмас, балки амалда қадрлаш зарурлигини, шунингдек Кореяда эркин сайлов принципига риоя қилиш зарурлигини инкор этмайди, албатта.

Бошқа бирқанча делегациялар ҳам ўзларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳимоячилари қилиб кўрсатиб, совет делегациясининг таклифларини рад этишни ёқлаб гапирдилар.

Мен кенгашнинг э'тиборини яна бир марта шу нарсага тортманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўсини ҳарқандай йўллар блан ҳимоя қилиш мумкин. Ҳарқандай «ҳимоя» бу обрўни оширабермайди. Кореядаги уруш вақтида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг байроғидан АҚШдаги агрессив доираларнинг тазйиқи остида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг принципларига ва Уставига хилоф суратда фойдалан

В. М. МОЛОТОВнинг Жанва кенгашида 1954 йил 15 июньда Корея масаласи юзасидан қилган баёноти

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Муҳокама шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда Жанва кенгаши қатнашчиларининг кўпчилиги Кореянинг миллий бирлигини тиклашга қаратилган лоақал дастлабки тадбирлар тўғрисида бир қарорга келиш имкониятини вужудга келтирмасликка уринмоқда.

Лекин шунга қарамай, Совет ҳукумати бирлашган, мустақил ва демократик Корея давлатини вужудга келтириш асосида Корея масаласини тинч йўл блан ҳал этиш ҳақида бир қарорга келиш мақсадида бундан буён ҳам қаҳрқандай имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Биз, ҳозирги шароитда Кореянинг Шимолда ҳам, Жанубда ҳам бундан кейинги тинч тараққиётини мустаҳкамлаш учун шарт-шароит вужудга келтириш Кореянинг бирлигини тиклаш ишига катта ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз. Бугун Корея Халқ-Демократик Республикаси делегацияси томонидан киритилган таклифлар бу вазифаларга мувофиқдир. Ана шу таклифлардан кузатилган мақсад — Кореяда тинч шароитни мустаҳкамлашдан иборат.

Шунга мувофиқ, совет делегацияси барча четэл қуролли кучларини Кореядан олиб чиқиб кетиш учун мумкин қадар қисқароқ муддат белгилаш тўғрисидаги таклифни ҳам, Шимолий ва Жанубий Кореядаги қўшинлар сонини камайтириш тўғрисидаги таклифни ҳам қувватлайди. Бундай таклифлар эҳтимол, Жанубий Кореядаги лисинманчиларга ёқмас. Аммо, бу таклифлар корейс халқининг манфаатларига ва тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига муносиб эканлигига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Совет делегацияси Кореядаги ҳарбий ҳолатни секин-аста тугатиш учун шароит вужудга келтириш тўғрисидаги ва ҳар икки томон қўшинларини тинч ҳолатга кўчириш ҳақидаги масалани қараб чиқиш учун Корея Халқ-Демократик Республикаси ва Корея Республикасининг вакилларидан иборат комиссия тузиш тўғрисидаги таклифни ҳам қувватлайди. Бундай таклифнинг қабул қилиниши Шимолда ва Жанубда яшовчи корейс халқининг иқтисодий аҳволини енгиллаштириши блан бирга, бутун Узоқ Шарқда тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шу блан бирга, совет делегацияси Корея Халқ-Демократик Республикасининг Америка Қўшма Штатлари ва бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари Корея Халқ-Демократик Республикасига нисбатан қонунга тамомила хилоф бўлган блокада ва эмбаргони бекор қилсинлар, деган талабини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Ҳозирги шароитда блокада ва эмбарго элементар халқаро қоидаларга хилоф бўлиши устига корейс халқига нисбатан жиноят ҳамдир.

Кенгаш Кореянинг бирор қисми блан бошқа давлатлар ўртасида тузилган ва ҳарбий мажбуриятлар блан боғлиқ бўлган шартномаларнинг бўлиши Кореяни тинч йўл блан бирлаштириш манфаатларига хилоф деб топса, тамомила тўғри иш қилинган бўлади. Шуни ҳам та'кидлаб ўтиш керакки, Америка Қўшма Штатлари блан Жанубий Корея ўртасида тузилган «ўзаро мудофаа» тўғрисидаги шартнома Кореяда тинчлик ўрнатиш манфаатларига тамомила зиддир. Бу шартнома Жанубий Корея территориясида америка қуролли кучларини нома'лум узоқ давр мобайнида сақлашни кўзда тутади. Бошқа сўзлар блан айтганда мазкур шартнома Корея территориясининг нома'лум вақтгача ажнабийлар томонидан оккупация қилинишини кўрсатади. Бу шартнома Корея масаласини тинч ҳал этишга эмас, балки Кореяда янги ҳарбий авантюралар йўли блан агрессив ниятларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. АҚШдаги агрессив доираларнинг Жанубий Кореяни Узоқ Шарқда янги уруш чиқазиш учун плацдармга айлантиришларига йўл қўйиш мумкин эмас. Бундай шартномаларнинг корейс халқи манфаатларига бутунлай зид эканлиги аёндир.

Шу блан бирга, совет делегацияси Корея Халқ-Демократик Республикаси блан Корея Республикаси ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатиш ҳамда ривожлантириш юзасидан ўзаро келишилган тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун Умумкорея комитетини тузиш тўғрисидаги таклифни қувватлайди. Бундай тадбирнинг зарур эканлигини инкор қилиш Шимолий Корея блан Жанубий Кореянинг бир-бирига яқинлашувига халақит бериш демакдир ва Корея давлатининг бирлигини тиклаш учун шарт-шароит вужудга келтиришни қийинлаштириш демакдир.

Жанва кенгашида қатнашаётган давлатлар Кореянинг тинч ривожланишини та'минлаш зарурлигини э'тироф этаётганликлари тўғрисида алоҳида гапириб ўтсалар, бу нарса катта аҳамиятга эга бўлади. Корейс халқи халқаро миқ'ёсда бериладиган ана шундай ёрдамни қўллаб-қувватлашига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бошқа давлатларнинг шу тарзда э'тироф қилиши Кореяни бирлашган, мустақил, демократик давлат қилиб, тинч йўл блан бирлаштириш вазифаларини теаликда ҳал этиш учун шароит вужудга келтиришга ёрдам беради.

Совет делегацияси Корея Халқ-Демократик Республикаси делегацияси томонидан бугун тақдим этилган таклифларга қўшимча равишда кенгаш қатнашчиларининг биргаликда чиқарадиган қуйидаги декларацияси проектини кенгашнинг муҳокамасига қўяди:

«Корея масаласи юзасидан декларация

Жанва кенгашида қатнашучи давлатлар Корея масаласи бирлашган, мустақил ва демократик Корея давлатини вужудга келтириш асосида узил-кесил ҳал этилганига қадар Кореяда тинчликнинг сақланишига хавф туғдираоладиган ҳаракатларни қилмаслик лозимлиги ҳакида бир қарорга келдилар.

Кенгаш қатнашчилари Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳам, Корея Республикаси ҳам тинчлик манфаатларини кўзлаб, шу декларацияга мувофиқ ҳаракат қиладилар, деб ишонч билдирадилар».

Совет делегацияси Жанва кенгашининг Кореяни бундан кейинги тинч тараққиётини мустаҳкамлашга қаратилган ҳарбир қадами шу блан бирга, ҳалқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун ва умумий тинчликни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблайди.

ХХР Марказий халқ ҳукумати кенгашида

ПЕКИН, 15 июнь. (ТАСС). Марказий халқ ҳукумати кенгашининг 14 июньда Мао Цзэ-дун раислигида 30-нчи мажлиси бўлганлиги ҳақидаги ахборот газеталарда э'лон қилинди. Марказий халқ ҳукумати кенгашининг мажлисида Марказий халқ ҳукумати кенгаш раисининг ўринбосарлари Чжу Дэ, Лю Шао-ци, Суч Цзин-лин, Ли Цэи-шэнь, Чжан Лань ва МХХК а'золари — Чэнь Юй, Ли Лисань, Линь Бо-цзюй, Хэ Сян-нин, Ли-Бочэн, Ху Юй-чжан, Пин Чжэн, Бо И-бо ва бошқалар ҳозир бўлганлар.

Марказий халқ ҳукумати кенгашининг мажлиси Хитой Халқ Республикасининг конституциясини ишлаб чиқуви комиссиянинг докладини эшитган. Комиссиянинг докладида айтилишича: комиссия ХХР конституциясини проектини тузишда Хитой Коммунистик партияси Марказий комитетининг ХХР конституцияси проекти ҳақидаги таклифларига асосланиб иш кўрган. Комиссия 23 мартдан 11 июньгача ишлаган. Марказий Халқ Ҳукумати кенгаши муҳокамасига тақдим этилган ХХР конституцияси проектини тузишда 8 мингдан кўпроқ киши: Бутунхитой халқ сиёсий консультатив кенгаши комитетининг а'золари, йирик ма'мурий районлар, вилоятлар ва шаҳарлар раҳбарлик органларининг, демократик партияларнинг, жамоат ташкилотларининг ва қуролли кучларнинг мас'ул ходимлари қатнашган.

Мажлис вақтида сўзга чиққан Ли Цзишэнь, Сун Цзин-лин, Чжан Лань, Хуан Янь-пэй, Чжан-Нань-сянь, Ма Сю-лунь, У Лан-фу, Хэ Сян-нин, Чэнь Шу-тун, Сайфуддин, Ху Яо-бан, Ли Си-туан ва демократик партияларнинг ҳамда жамоат ташкилотларининг бошқа вакиллари ХХР конституцияси проектини якдиллик блан ма'қуллаганликларини ва қўллаб-қувватлаганликларини айтдилар. Сўнгра Марказий халқ ҳукумат кенгаши ХХР конституцияси проектини якдиллик блан қабул қилди ҳамда ХХР Конституцияси проектини кенг равишда муҳокама қилмоқ учун э'лон этишга бир овоздан қарор қилган.

Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг Проекти

ПЕКИН, 16 июнь. (ТАСС). Кеча марказий газеталарнинг ҳаммаси Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг Проектини э'лон қилди. Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг Проекти «Кириш» қисмдан ва «Умумий қоидалар», «Давлат тузилиши», «Гражданларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари», «Давлат байроғи, давлат герби, пойтахт» деган тўрт бобдан иборат.

Конституция Проектининг «Кириш» қисмида бундай дейилади: Конституцияга Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгашининг 1949 йилги Умумий программаси асос қилиб олинган. Шу блан бирликда, бу Конституция ўша программани янада ривожлантириб беради. Бу Конституция Хитойдаги халқ революциясининг натиҳаларини, давлатимизни қуриш бошланган вақтдан бери сиёсат ва экономика соҳасида эришилган янги ғалабаларни мустаҳкамлаб беради, шунингдек давлатнинг ўтиш давридаги туб талабларини ва социалистик жамият қуриш тўғрисида кенг халқ оммасининг умумий истак ва орзуларини ако этдиради.

Сўнгра «Кириш» қисмида бундай дейилади: Бизнинг мамлакатимиз Совет Иттифоқи блан ва барча халқ демократияси мамлакатлари блан бузилмас дўстлик муносабатларини боғлади. Мамлакатимиз халқининг бутун дун'ёдаги тинчликсевар халқлар блан бўлган дўстлиги ҳам кундан-кунга ўсмоқда ва ривожланмоқда. Бу дўстлик ривожланишда давом этаверади ва мустаҳкамланаберади. Энди-ликда бизнинг мамлакатимиз тенгҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, территорияни ва суверенитетни ўзаро ҳурматлаш принциплари асосида бошқа мамлакатлар блан дипломатик муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш сиёсати соҳасида муваффақиятларга эришди. Бу сиёсат бундан буён ҳам изчиллик блан ўтказилаверади. Бутун дун'ёда тинчликнинг ва инсоният тараққиётнинг юксак мақсадларига хизмат қилиш мамлакатимизнинг халқаро ишларда мустаҳкам ва бузилмас йўли бўлиб қолади.

Конституция Проектининг «Умумий қоидалар» деган I бобидаги 1-нчи моддада бундай дейилади: «Хитой Халқ Республикаси ишчилар синфи томонидан раҳбарлик қилинадиган ва ишчилар блан деҳқонларнинг иттифоқига асосланган халқ демократияси давлатидир». Конституциянинг 2-нчи моддасида бундай дейилади: «Хитой Халқ Республикасида бутун ҳокимият халқникидир. Бутунхитой халқ вакиллари мажлиси ва халқ вакилларининг ҳамма босқичлардаги маҳаллий мажлислари давлат ҳокимиятининг органларидир. Бутунхитой халқ вакиллари мажлиси ва халқ вакилларининг ҳамма босқичлардаги маҳаллий мажлислари, шунингдек бошқа ҳамма давлат органлари демократик централизм системасини амалга оширадилар».

«Умумий қоидалар»нинг 3-нчи моддасида айтилишича, Хитой Халқ Республикаси кўпмиллатли бирлашган давлатдир. Миллатларнинг ҳаммаси тенгҳуқуқлидир... Майда миллатлар яхлит бўлиб яшаётган районларнинг ҳаммасида район автономияси амалга оширилади. Миллий автономия амалга оширилаётган районларнинг ҳаммаси Хитой Халқ Республикасининг ажралмас қисмидир.

4-нчи моддада айтилишича, Хитой Халқ Республикаси давлат органларига ва жамоат кучларига таяниб, социалистик индустрлаш ва социалистик ислоҳотлар йўли блан аста-секин эксплуатация системасини тугатишни ва социалистик жамият қуришни та'минлайди.

5-нчи моддада бундай дейилади: «Ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикасида ишлабчиқариш воситаларига эгалик қилишнинг қуйидаги формалари бор: Давлат мулки, я'ни умумхалқ мулки, кооператив мулки, якка хўжалик меҳнаткашлар мулки ва капиталистлар мулки».

«Хўжаликнинг давлат сектори, — дейилади 6-нчи моддада, — умумхалқ мулкидан иборат социалистик сектордир. Давлат сектори миллий экономиканинг раҳбар кучидир ва давлатнинг социалистик ислоҳотлар ўтказиши учун моддий негиздир. Давлат секторининг имтиёзли равишда ривожлантирилиши давлат томонидан та'миланади...».

16-нчи моддада бундай дейилади: «Меҳнат қилиш Хитой Халқ Республикасининг меҳнатга яроқли барча гражданларининг шарафли ишидир. Давлат гражданларнинг меҳнат соҳасидаги активлигини ва ижодкорлигини рағбатлантиради».

Хитой Халқ Республикаси халқ демократияси тузумини ҳимоя қилади, гражданларнинг ҳавфсизлигини, қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларини кўриқлайди, ҳарқандай ҳоинлик ва контрреволюцион фаолиятни бостиради, барча ҳоинларни ва контрреволюционерларни жазолайди».

20-нчи моддада бундай дейилади: «Хитой Халқ Республикасининг қуролли кучлари халқникидир; уларнинг вазифаси халқ революциясининг ва давлат қурилишининг эришган ғалабаларини ҳимоя қилишдир, давлат ҳавфсизлигини, территориал бутунликни ва суверенитетни ҳимоя қилишдир».

«Давлат тузилиши» деган II бобнинг 21-нчи моддасида «Бутунхитой халқ вакиллари мажлиси Хитой Халқ Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органидир» дейилади. 22-нчи моддада «Бутунхитой халқ вакиллари мажлиси Хитой Халқ Республикасининг қонун чиқаручи бирдан-бир органидир» дейилади.

30-нчи моддада айтилишича, Бутунхитой халқ вакиллари мажлиси томонидан сайланиб қўйиладиган комитет, я'ни Бутунхитой халқ вакиллаир мажлисининг доимий комитети шу мажлисининг доимий ишлаб турадиган органидир.

39-нчи моддада айтилишича, Бутунхитой халқ вакиллари мажлиси Хитой Халқ Республикаси Раисини тўрт йил муддатга сайлайди. Хитой Халқ Республикасининг 35 ёшга етган ҳамда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳарбир граждани Хитой Халқ Республикасининг Раиси бўлиб сайланиши мумкин.

42-нчи моддада айтилишича, Хитой Халқ Республикасининг Раиси бутун мамлакат қуролли кучларига бошчилик қилади ва Давлат мудофаа комитетининг раиси бўлади.

43-нчи моддада айтилишича, Хитой Халқ Республикасининг раиси, зарур бўлиб қолган тақдирда, Хитой Халқ Республикаси Раисининг ўринбосарларидан, Бутунхитой халқ вакиллари мажлиси Доимий Комитетининг раисидан, Давлат кенгашининг раисидан ва бошқа тегишли шахслардан иборат Олий давлат кенгашини чақиради.

47-нчи моддада айтилишича, Хитой Халқ Республикасининг Давлат кенгаши, я'ни Хитой Халқ Республикасининг ҳукумати Хитой Халқ Республикаси давлат ҳокимиятининг олий ижроия органидир ва давлатнинг олий ма'мурий органидир.

48-нчи моддада айтилишича, давлат кенгаши раисдан, унинг ўринбосарларидан, министрлардан, турли комитетларнинг раисларидан ва бош секретардан иборат бўлади.

«Гражданларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари» деган III бобдаги 86-нчи моддада бундай дейилади: «Хитой Халқ Республикасининг 18 ёшга етган барча гражданлари, уларнинг миллати ва ирқи, жинси, машғулоти, ижтимоий чиқиши, дини, ма'лумот даражаси, молмулки ва яшаб турган муддатидан қат'и назар, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Аҳлдан озганлар ва сайланиш ҳуқуқидан қонун бўйича маҳрум қилинган кишилар бундан мустаснодирлар. Хотин-қизлар эркаклар блан бир қаторда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар».

Хитой Халқ Республикасининг гражданлари, — дейилади 87-нчи моддада, — сўз, матбуот, йиғилишлар, союзлар, кўчаларда намойиш қилиб юриш эркинликларига эгадирлар. Давлат гражданларнинг бу эркинликлардан фойдаланишларини зарур моддий воситалар бериб туриш блан гарантиялайди. Бундан кейинги моддаларда айтилишича, Хитой Халқ Республикасининг гражданлари дин эркинлигига, ўзлари хоҳлаган жойда яшаш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиш эркинлигига эгадирлар. Конституция Хитой Халқ Республикаси гражданларининг меҳнат қилиш, дам олиш, илм олиш, қариганда, касал бўлиб қолган ёки меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда моддий ёрдам олиш ҳуқуқлари борлигини э'лон қилади ва шу ҳуқуқларни гарантиялайди.

«Ватанни ҳимоя қилиш, — дейилади 103-нчи моддада, — Хитой Халқ Республикасининг ҳарбир гражданининг муқаддас бурчидир: қонунга мувофиқ, ҳарбий хизмат қилиш Хитой Халқ Республикаси гражданларининг фахрий бурчидир».

IV бобда Хитой Халқ Республикасининг Давлат байроғи беш юлдуз сурати солинган қизил алвондан иборат бўлади, деб белгиланган, Хитой Халқ Республикасининг Давлат герби қандай бўлиши кўрсатиб ўтилган ва Пекин Хитой Халқ Республикасининг пойтахти, деб э'лон қилинган.

Чехословакия Коммунистик партиясининг X с'ездидан

КПСС Марказий Комитетига телеграмма

ПРАГА, 16 июнь. (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партиясининг X с'езди ўзининг охирги мажлисида КПСС Марказий Комитетига табрик телеграммаси қабул қилди. Телеграммада бундай дейилади:

Ҳурматли ўртоқлар, Чехословакия Коммунистик партиясининг X с'ездидан ўртоқларча оташин табрикни қабул қилингиз.

Бугун биз ўтган йиллар ичида қилинган жуда катта ишларга якун ясаётганимиз ва социалистик қурилишнинг янги, мардонавор планларини белгилаётганимизда, сизларнинг бизлар учун нақадар мададкор эканлигингизни, улуғ Совет Иттифоқи блан бўлган иттифоқимиз ва дўстлигимиз бизлар учун қоят аҳамиятли эканлигини яна бир марта чуқур англамоқдамиз.

Совет Иттифоқи ватанимизни фашистлар асоратидан озод қилди ва бу блан халқларимизнинг ҳаётини қутқариб қолди.

Мамлакат озод қилингандан кейин Совет Иттифоқи чехословак халқига дарҳол қардошларча ва самимий ёрдам берабошлади, бу ёрдам қурилишимизнинг ҳамма участкаларида ўзининг самарали натижаларини кўрсатмоқда. Совет Иттифоқи бўлмаса ҳозир бизда озодлик бўлмас эди, бахтли ва гўзал ҳаёт бўлмас эди, деган фикр республикадаги барча софиждонли ва онгли гражданларнинг, барча чин ватанпарварларнинг кўнгли ва қалбидан абадий жой олди.

Чехословакия Коммунистик партиясининг X с'езди мамлакатимиздаги социалистик қурилиш муваффақиятларини кўрсатучи фахрли кўрик бўлди. Биринчи бешйиллик план бажарилганлиги натижасида бизнинг халқ хўжалигимиз мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. Саноат ишлабчиқаришининг ҳажми урушгача бўлган вақтдагига қараганда икки баравардан знёдроқ кўпайди. Кўп товар маҳсулот етиштирадиган кооператив, социалистик йирик ишлаб чиқариш қишлоқларимизда мустаҳкам томир ёйди, саноатнинг қудратли ривожланиши эса қишлоқ хўжалигини янада кескин суратда юксалтириш учун ҳамма шароитни вужудга келтирди. Бизнинг халқ — демократик давлатимиз ҳозир ҳарқачонгидан ҳам мустаҳкамдир.

Халқнинг фаровонлигини тинмай ошириш учун оғишмай кураш олиб бориш-дек қоят муҳим вазифа бизнинг олдимизда турибди. Биз бутун халқ хўжалигимизни янада ривожлантириш йўли блан, халқ хўжалигимизни тўла равишда эгаллаб олиш йўли блан ва деҳқончиликни анча юксалтиришга катта э'тибор бериш блан мазкур вазифани бажаришга эришмоқчимиз. Биз бундан буён ҳам ишчилар ва деҳқонларнинг қардошларча иттифоқини мустаҳкамлаш йўлидан борамиз, бу иттифоқнинг социализм ғалабасига олиб бориши мумкин бўлган бирдан-бир тўғри йўл эканлиги бизда ҳам тўла равишда исбот бўлди. Биз бундан кейин ҳам Чехословакия халқларининг бузилмас дўстлигини ривожлантирамиз ва мустаҳкамлаймиз.

Азиз ўртоқлар! Биз ва биз блан бирга бутун чехословак халқи шу нарсани яхши биламизки, демократия ва социализмнинг қудратли лагерига бош бўлган ҳолда тинчлик посбони бўлиб, уни ҳуш'ёрлик блан қўриқлаб турган улуғ Совет Иттифоқи жаҳонда борлиги туфайлигина биз қурилишнинг янги ва катта вазифаларини белгилаб олиш имкониятига эгамиз. Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати, унинг уруш олови ёқучи империалистларга қарши, халқаро кескинликни юмшатиш учун ҳормай-толмай ва изчиллик блан олиб бораётган кураши халқларимизнинг энг жонажон манфаатларига мос бўлиб тушмоқда ва шу сабабли Совет Иттифоқини бизнинг халқларимиз чин кўнгилдан қўллаб-қувватламоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг КПЧ X с'ездига юборган табриги барча чехословак коммунистларининг кўнглини тоғдек кўтарди ва уларни активликни янада оширишга илҳомлантирди.

Чехословакия Коммунистик партияси ўзи учун доно маслаҳатчиси ва ёрқин намуна бўлган партиядан — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан ҳормай-толмай ўқиб-ўрганиб, ўз сафларининг бирлигини мустаҳкамлайди, ўз а'золарини сиёсий жиҳатдан чиниқтиради, меҳнаткашлар кенг оммаси блан ўзининг алоқаларини мустаҳкамлайди.

— Маркс—Энгельс—Ленин—Сталиннинг енгилмас байроғига содиқ бўлган бизнинг партиямиз Чехословакия халқини бизнинг мамлакатимизда социализм ғалабасига олиб боради.

Яшасин тинчликнинг, халқлар озодлиги ва мустақиллигининг қудратли таянчи бўлган улуғ Совет Иттифоқи!

Чехословак халқининг қаҳрамон совет халқи блан бузилмас дўстлиги яшасин ва яшнасин!

Улуғ устозимиз ва биз учун ёрқин намуна бўлган партияга — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин, Совет Иттифоқи халқларини коммунизм ғалабасига олиб боратётган партияга шон ва шарафлар бўлсин!

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши

ЖАНВА, 17 июнь. (**ТАСС махсус мухбири**). Тўққиз делегациянинг кечаги ёпиқ мажлисида Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатиш масаласини муҳокама қилиш давом этди.

Шу масала юзасидан бундан кейинги ёпиқ мажлис 18 июньда ўтказилади.

Жанва кенгаши теварагида

ЖАНВА, 17 июнь. (**ТАСС махсус мухбири**). Ма'лум бўлишича, тўққиз делегациянинг кечаги мажлисида Ҳинди-Хитой масаласини, шу жумладан, Лаос ва Камбоджа масаласини ҳам муҳокама қилиш давом этган.

Мавжуд ма'лумотларга қараганда, Хитой Халқ Республикасининг делегацияси ўз таклифларини киритган. Шу таклифларда Лаосда ва Камбоджада уруш ҳаракатларининг тўхтатилиши Вьетнамда уруш ҳаракатларининг тўхтатилиши блан бир вақтда э'лон қилиниши лозим, дейилади. Урушучи ҳар икки томон ҳарбий қўмондонлигининг вакиллари Лаосда ва Камбоджада уруш ҳаракатларини тўхтатишга таллуқли масалалар тўғрисида Жанвада ҳам, Ҳинди-Хитойнинг ўзида ҳам бевосита музокара бошлашлари лозим. Хитой Халқ Республикаси делегациясининг таклифларида яна бундай дейилади: уруш ҳаракатлари тўхтатилгандан кейин Лаосга ва Камбоджага қуруқликдаги, ҳарбий кучларнинг ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучларининг янги қисмларини ва ходимларини, ҳархил қурол-яроғларни ва ўқ-дориларни четдан келтиришга йўл қўйилмайди. Ўз-ўзини ҳимоя қилмоқ учун келтирилиши мумкин бўлган қуролларнинг миқдори ва турлари масаласига келганда, бу масала бамаслаҳат ҳал қилиниши керак.

Хитой Халқ Республикаси делегациясининг таклифларига кўра, кузатучи ҳалқаро комиссиянинг компитенциялари Лаос ва Камбоджадаги хусусиятларни ҳисобга олиб, шу мамлакатларга жорий этилиши лозим. Қўмондонликлар битимга келгандан кейин, ҳарбий асирлар ва назорат остига олинган граждан шахслар озод қилиниши ёки айирбошланиши лозим.

Хабар беришларига қараганда, кечаги мажлисда Вьетнам Демократик Республикасининг делегацияси таклифлар киритган. Бу таклифларда, Ҳинди-Хитойда барқарор тинчлик ўрнатиш манфаатларини кўзлаб, Вьетнамнинг, Лаоснинг ва Камбоджанинг, тўла ва чинакам суверенитети ва миллий мустақиллиги принципига риоя қилиш асосида сиёсий масалаларни ҳал қилиш зарур, дейилади. ВДР делегацияси Вьетнамнинг бирлигини тиклаш ва умумвьетнам бирлашган ҳукуматини барпо қилиш мақсадида бутун Вьетнам территориясида уруш ҳаракатлари тўхтатилганидан кейин мумкин қадар энг қисқа муддат ичида яширин овоз бериш йўли блан умумий эркин сайлов ўтказишни таклиф қилди.

Шу сайловнинг ўтказилишини та'минлайдиган тегишли шарт-шароит вужудга келтирмоқ учун Вьетнам Демократик Республикасининг делегацияси қуйидаги чораларни э'тироф қилишни зарур деб таклиф қилди: сайлов ўтказилгунча четэл қўшинларининг ҳаммасини Вьетнам территориясидан олиб чиқиб кетиш; Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг шартлари бажарилишини кузатмоқ учун кенгаш томонидан белгиланган составда тузиладиган ҳалқаро кузатиш комиссияси худди шу составида Вьетнамда умумий эркин сайлов ўтказилишини ҳалқаро кузатиб туради; урушучи томонлар уруш вақтида қарши томон блан ҳамкорлик қилган шахсларни та'қиб қилмаслик тўғрисида ўз зиммаларига мажбурият олсинлар; Франция блан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасида тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида иқтисодий ва маданий муносабатлар ўрнатиш; уч давлатнинг ҳарқайсиси — Вьетнам, Лаос ва Камбоджа — бошқа давлатларнинг мустақилликларини, бирликларини ва ички режимларини ўзаро ҳурматлаш тўғрисида ўз зиммаларига мажбурият олсинлар.

ВДР делегациясининг таклифида, Вьетнамга, Лаосга ва Камбоджага таллуқли бошқа сиёсий масалалар Ҳинди-Хитой ҳалқларининг демократик ҳуқуқларини ва миллий манфаатларини та'минлаш ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб яна ҳал қилинмоғи лозим, дейилади.

Мавжуд ма'лумотларга қараганда, совет делегацияси кечаги мажлисда бўлган дискуссия вақтида, шу вақтгача Вьетнам масаласи умумий принципларни ишлаб чиқиб, кейин шу принципларни Лаосга ва Камбоджага татбиқ қилмоқ учун муҳокама қилиниб келган эди, деган. Бироқ, шу блан бирга, совет делегациясининг фикрича, Лаос ва Камбоджада мавжуд бўлган ва Вьетнамдаги аҳволдан фарқ қиладиган хусусиятларни ҳисобга олмаслик ҳам ярамайди. Совет делегацияси, масалани, гўё Лаосда ва Камбоджада миллий-озодлик кураши йўқ, деган тарзда қўйиш ярамайди, деб та'кидлаган. Бу масала кенгашда бирнеча марта кўтарилган ва шу мамлакатларда кенг миллий-озодлик кураши борлигини кўрсатучи етарлик ишончли фактлар келтирилган эди. Вьетнамда, Лаосда ва Камбоджада шу мамлакатларнинг суверенитетини ва мустақиллигини та'минлаш, шунингдек Ҳинди-Хитой ҳалқларининг озодликка ва демократияга интилишини қондириш асосида тинчлик ўрнатилиши лозим.

Совет делегацияси та'кидлаб айтганки, Хитой Халқ Республикаси делегациясининг кенгаш муҳокамасига тақдим қилган таклифлари ҳамма асосий масалаларни ўз ичига олади ва шу сабабли бу таклифлар Лаосда ва Камбоджада уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги битимга асос бўлаолади. Совет делегацияси шу таклифларни қабул қилмасдан тириб. Вьетнамда тинчлик ўрнатиш мумкин эмаслигини кўрсатиб ўтган.

СССР делегацияси Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг кечаги мажлисда сиёсий масалалар бўйича тақдим қилган таклифларини ҳам қўллаб-қувватлаган.

Ма'лум бўлишича, совет делегацияси кенгашнинг бундан аввалги мажлисларида билдирилган истакларни э'тиборга олиб ҳалқаро кузатиш комиссиясининг составига бешинчи мамлакатни, масалан Индонезияни киритишни тавсия қилган. Шундай қилганда ҳалқаро кузатиш комиссиясининг составига Ҳиндистон, Польша, Чехословакия, Покистон ва Индонезия кирган бўлур эди. Совет делегацияси Ҳиндистон шу комиссиянинг раиси бўлсин, деб айтган. Шу блан бирга, совет делегацияси бошқа бир альтернатив таклиф ҳам киритган, я'ни комиссия уч мамлакатнинг — ё Ҳиндистон, Польша, Индонезиянинг, ёки Осиёдаги, бошқа бир мамлакатнинг вакилларидан тузилсин, деб таклиф қилган.

Мавжуд ма'лумотларга қараганда, кечаги мажлисда ғарб давлатларининг вакиллари Лаос ва Камбоджа масаласида Хитой Халқ Республикаси делегацияси томонидан қилинган таклифларни жуда қизиқиб кутиб олганлар. Улар, бу таклифларни ўрганиб чиқиш зарур, деб айтганлар.

Хабар беришларига қараганда, Хитой Халқ Республикаси, СССР ва Вьетнам Халқ Республикаси делегациялари томонидан киритилган таклифларни ўрганиб чиқмоқ учун 18 июньда навбатдаги мажлисга тўпланишга ва 17 июньни мазкур таклифларни ўрганишга бағишлашга қарор қилинган.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЧЕХОСЛОВАКИЯДАН МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ПРАГА, 17 июнь. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Чехословакия Компартияси X с'ездига борган делегацияси: КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев, Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. Д. Назаренко, КПСС Москва шаҳар комитети секретари ўртоқ Е. А. Фурцева ва КПСС Марказий Комитети бўлим мудири ўртоқ В. П. Степановлар 17 июньда Совет Иттифоқига жўнаб кетди.

Делегацияни Рузин аэродромида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Новотний, ЧКП Марказий Комитети сиёсий бюросининг а'золари А. Запотоцкий, З. Фирлингер, Я. Доланский, А. Чепичка, В. Копецкий, К. Бацилек, Р. Барак ва ЧКПнинг бошқа кўзга кўринган арбоблари, шунингдек СССРнинг Чехословакиядаги элчиси Н. П. Фирюбин кузатиб қолдилар.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Чехословакия Компартияси X с'ездига борган делегацияси 17 июньда Москвага қайтиб келди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МК ПЛЕНУМИ

ПРАГА, 16 июнь. (ТАСС). Кеча Чехословакия Коммунистик партиясининг ЧКП X с'ездида сайланган Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

МК Сиёсий бюросининг а'золари қилиб қуйидаги кишилар бир овоздан сайланди. Карел Бацилек, Рудольф Барак Алексей Чепичка, Яромир Доланский, Зденек Фирлингер, Вацлав Копецкий, Антонин Новотний, Вильям Широкий, Антонин Запотоцкий. МК Сиёсий бюроси а'золигига кандидат қилиб қуйидаги кишилар сайланди: Людмила Янковцова ва Отакар Шимунек.

Марказий Комитетнинг биринчи секретари қилиб бир овоздан Антонин Новотний, МК секретарьлари қилиб Иржи Гендрих, Бруно Келер, Вратислав Крутина ва Вацлав Пашеклар сайланди. Сайланган секретарьлар ЧКП МК секретариатини ташкил этади.

Марказий ревизия комиссиясининг ташкилий мажлисида бу комиссиянинг раиси қилиб Иозеф Штетка сайланди.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙНИНГ ИДЕН БЛАН СУҲБАТИ

ПЕКИН, 16 июнь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Жанвадан хабар беради: Бугун Хитой Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай Англия ташқи ишлар министри Антони Иден жаноблари ҳузурида бўлиб, унинг блан 50 минут давомида суҳбат қилди. Чжоу Энь-лайнинг ёнида ташқи ишлар министрининг ўринбосари Чжан Вэнь-тянь бор эди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 18/VI да **Алишер Навоий**, 19/VI да **Шохи сўзана**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино). — 18/VI да **Полтавали Наталка**.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА (ёзги театр) — 18/VI да **эстрада концерти**. Концертда: СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова** ва Ўзбекистон давлат эстрадасининг артистлари қатнашади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз **Волга-Волга**, кечқурун **Икки бойга бир қарол**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 да **ҳужжатли фильмлар**, кундуз **Ғолиблар авлоди**, кечқурун **Стаднондаги янги кишилар**.

СОБ